



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013-yil 16-avgust • №33 (4224)

ОБОД ЮРТ ҚЎШИҒИ

Она Ўзбекистонимиз — сеҳра, жозибали дёр. Иқлими ранг-баранг. Ёз чилласи авжига чиққан кунларда Термизга бордим. Болаликдан хотирамизда қолган сўзлар хаёлимда жонланди. Баҳор жанубдан бошланади. Қушлар иссиқ ўлкалардан учиб келади... Бенхтиёр баҳор бошланадиган юртни, қушлар қаҳратон қишда ошён айлайдиган маконни кўргинг келади.

Ватанимизнинг жанубий дарвозаси. Хиротга, Ҳиндистонга кўприк — Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўтган йўл. Самолёт илюминаторидан пастга боқаман. Чўққиларини оппоқ қорлар қоплаган тоғлар... Туяларнинг ўрқачларидай бўртиб, бўртиб турган қоялар орасидан жилғалар, ирмоқлар кўринади. Сувда кўёш нурлари ялтирайди, сувдаги нур осмонда учаётган самолёт ойнасидан ўтиб, кўзини қамаштиради. Теп-текис далалар, сув таралган пайкаллар шахмат тахтасидек чорхона-чорхона бўлиб кўринади. Яшил катаклар — пахтазор, сариқлари — бугдойзор.

Қуёшли тўртбурчак далалардан то Тизма тоғларгача чўзилган Ватан — йўлларнинг гирдида бўлиб гиргиттон, Гумбаздек тераклар турарлар қатор.

Ватан учун яшайлик!

— Истиклол шарофати билан Термиз дунё тамаддуни тарихига қизиқадиган савҳатчилар кўп келадиган шаҳарга айланди, дейди аэропортдаги илк гурунграммиздаёқ ёзувчи дўстим Менгнор Олломурадодов. — Полвонларимиз, бахшиларимиз мана шу аэропортнинг учиб йўлагидан осмонга парвоз қиладилар, дунёга чиқиб она дёримиз байроғини баландга кўтара-

дилар. Япониялик Кюдзо Като сингари археологлар ҳам дастлаб мана шу кўналгага кўнадилар. Қадимий Термиз довуғини оламга таратадилар. Самолётлар учиб келётган ва учиб кетаётган қушларга ўхшайди. Иссиқ юртнинг бағрига учиб келётган қушлар, бодом гуллаганидан сўнг баҳор хабарини ўзга элларга элтиш учун учиб кетаётган қушларга ўхшаб бу самолётлар ҳам Термизнинг ноёб қадриятлари ҳақидаги хушхабарларни дунё бўйлаб таратади. Аэропортдан то Султон Саодат кўчасигача туташган йўл худуди Термиз туманига қарашли экан. Йўл икки ёқлама автомобил қатновига мослаштирилиб кенгайтирилмоқда. Асфалт ётқизувчи улкан машиналар ёнида ишлаётган йигитнинг қошида тўхтадик. Ўзини Шўҳрат Ашуров деб таништираган бу йигит йўл қурилиши бўйича уста экан. — Бизнинг зиммамизга тушган бу йўлнинг эни 18 метр, — дейди у. Кўк машиналари қайноқ асфалт ва шағал аралашмасини кетма-кет келтириб тўқмоқда. Ишчилар уни текислаш билан машғул.

Давоми иккинчи саҳифада.



Ҳаким Термизий зиёратгоҳи.

Мустақиллик байрами арафасида яқин ўтмишга назар ташлаб, ўз халқи ва Ватанимизнинг озодлиги йўлида фаолият кўрсатган, асарларида эрк ва ҳуррият тароналарини куйлаган аждодларимизнинг муборак номларини ёд этиш, улар хотирасини эъзозлаш эзгу аъёнлардан бири бўлиб қолди.

ҲУРРИЯТ ОРЗУСИ

Булок Амир Темурдан қолган қудратли давлатнинг орадан бир неча аср ўтган, нураб, парчаланиб, мустамлака давлатга айланганлиги билан халқнинг пешқадам сиймолари асло муроса қила олмадилар. Улар турли йўллар билан халқнинг басират кўзларини очишга, ватандошлари қалбига эрк ва ҳуррият туйғуларини пайванд қилишга интилдилар. Шу тарзда ўзбек халқи тарихида миллий уйғониш даври бошланди. XX аср бошларида Туркистоннинг илгор зиёлиларида Амир Темур асос солган давлатни мустамлакачилик кишанларидан халос этиш, халқда миллий ўзликини англаш ва миллий гурур туйғусини уйғотиш истаги пайдо бўлди. Шу йилларда янгилана бошлаган ўзбек адабиётининг говий йўналиши тубдан ўзгара бошлади. Тарихий-ижтимоий давр ва халқ тақдири билан боғлиқ муҳим муаммоларни четлаб келётган шоирлар, оғир уйқудан уйғонган кишилардек, кўзларини катта очиб, миллий таназзулга олиб келган иллатларга қарши курашиш ва миллатнинг диққат-эътиборини миллий тараққиёт масалаларига, биринчи навбатда маърифат масалаларига қаратишга яқдиллик билан киришдилар. Зеро, маърифат масалалари мавжуд тарихий шароитда миллатни ижтимоий ва маданий юксаликка кўтариши мумкин бўлган бирдан-бир омил эди.

Давоми учинчи саҳифада.

"ШУ ВАТАНГА БОРДИР КЕРАГИМ"

Пойтахтимиздаги халқаро Маданият қарвонсаройида журналист ва фотосуратчи Назира Боймуродованинг "Шу Ватанга бордир керагим" номли кўргазмаси очилди. Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган экспозициядан муаллифининг олтидан ортиқ портретлари, манзаралари, этюдлари ўрин олган. — Мустақил, озод ва обод юртимиз манзараларини, саҳий, меҳнаткаш, бағрикенг одамларни тарих учун муҳрлаш истаги кўлимга фотоаппарат тутқазди, — дейди Назира. — Ораим халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, дунё халқларига юртимиз саховати, табиятимиз гўзаллигини, миллий урф-одатларимиз ва фаровон ҳаётимизни таништириш. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултетини тамомлаган

Назира Боймуродова кўплаб танловларда ўз фото асарлари билан иштирок этмоқда. Жумладан, "Объективда — номоддий маданий мерос" танловида биринчи, "Биз бунёдкор халқимиз" танловида иккинчи, "Мустақам оила — жамият таяничи" танловида учинчи ўринга сазовор бўлди. VI халқаро фотобиенналеда иштирок этди. Унинг ижодида бахтли болалик мавзуи етакчилик қиладди. Юртдошларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи манзаралари томошабинларни мафтун этади. "Пирамида", "Бўстонлик мўжизаси", "Симфония", "Тарих гилдирағи", "Асрлар садоси" туркумидан "Сармишсой" лавҳалари муҳлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

Сарвара ҚОСИМОВА



Кўргазма залларида

УСМОН НОСИР БОҒИМ

О, у қандай фусункор!
Нур билан тўлган бутун.
Гуллари чаман-чаман,
Мен уларни ичман.
Кўнглимда яшнар баҳор...
Нур билан тўлган бутун.

Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим.
Ишяним хурмат қилур,
Гуллардан ҳайкал қурур.
Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим.

Шеърларим янграб қолур...
Бир умрга ўлмайман!
Ҳаётимнинг давоми —
Келажакимга ҳомий,
Ўрнимга боғбон бўлур...
Бир умрга ўлмайман!

О, у қандай давомдор!
Нур билан тўлган бутун.
Гуллари чаман-чаман,
Мен уларни ичман.
Кўнглимда яшнар баҳор...
Нур билан тўлган бутун.

САОДАТЛИ КУНЛАР

Обод турмуш йилининг қувончу саодати, шу қувончдан келатган кайфиятнинг, бунёдкорликка бўлаётган даъватнинг нафаси, айниқса, қишлоқ жойларимизда баралла сезилар экан. Буни биз Оҳангарон, Бўка, Зангиота туманларидан ёш тадбиркорлар, гуриратиб боғлар ўстираётган боғбонлар, гоҳо бир дарахт шохидан ҳам олма, ҳам авор узиб олаётган соҳибкорлар, дашт ерларда юқори ҳосил олаётган қўли қадоқ деҳқонлар билан учрашганда бисдик, кўрдик.

Баҳаво, қамиш чайлаларда бақамти ўтириб тушлик қилдик, адабиёт, ҳаёт ҳақида тўйиб-тўйиб сўхбатлашдик ҳам. Эртасидан кўнгли тўйиб, ҳаётдан қаноат тўйиб, ҳалол тер тўйиб яшаётган юртдошларни кўриб севиндик. Зангиота туманида бўлганимизда иш кўламининг кенглигига, шиддатнинг тезлигига тан бердик. Мақтасанг, мактагулик бу одамларни кўриб уларга таҳсинлар айтгимиз келди. Бу туман Тошкент халқа йўлининг деярли етмиш фоизини ўраб олган. Бу манзил меҳнаткашлари она Тошкентни бами-соли бағрига босиб, саховат билан илиқ сўзлар айтаяпти гўё. "Гўшт керакми, сут-қати-

Ёзувчилар уюшмаси айланмаси билан

финг борми, ширин-шакар узумлар-чи? Анору шифобахш беҳилардан этагингни тўлдириб ол," дейтандек. Туман статистика бўлими раҳбари Иброҳимжон Ҳолматов билан бўлган сўхбатда, у киши келтирган, ўзимиз гувоҳ бўлган рақамлар салмоғида яна бир бор юқоридаги кўтаринкилик сабабларини илғагандек бўлдик. — Жами ер майдони 38 минг гектар, шундан 14 минг гектари суғориладиган майдон, жумладан, 4 минг гектар ерда узум етиштирилади. Туманда 348 минг киши истикомат қилса, бўлаётган катта ўзгаришларда

халқ салмоқли. Бу жабҳада 36 миллиард сўмлик иш амалга оширилди. Ҳар бир киши ўз юртининг муваффақияти билан фахрланиши керак. Иброҳимжон ҳар бир рақамнинг ортида минглаб кишиларнинг меҳнати, ташаббуси, фидойилиги борлигини чуқур ҳис қилиб, тўлқинланиб гапириб берди. Қишлоқ хўжалиги бўладими, саноат соҳасида сўз кетадими Иброҳимжон худди шундай ифтихор билан сўз айтди.

Давоми иккинчи саҳифада.

XXI аср бошида фан ва технологияларнинг юқори даражада ривожланиши жаҳон халқлари маданиятида мисли кўрилмаган ўзгаришларни олиб келмоқда. Хусусан, илим-фан ва техника соҳасидаги тараққиёт давлатлараро маданий алоқаларнинг кучайишига кенг йўл очди. Бу аса, ўз навбатида, жаҳон, жумладан, Шарқ халқлари маданиятидаги уйғунлик ва ўзига хос жиҳатларни янада чуқурроқ, ўрганишни тақозо этмоқда.

МУСИҚИЙ АНЪАНАЛАР

Шу йилнинг 25-30 август кунлари Самарқандда бўлиб ўтадиган IX "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали доирасидаги илмий анжуман ушбу жараёнда вужудга келатган муаммолар юзасидан фикрлашсини кўзда тутди. "Шарқ халқлари мусиқий анъаналари замонавий маданият тизимида" мавзуидаги илмий анжуманинг асосий мақсади Шарқ халқлари мусиқа анъаналарининг бугунги ривожланиш тамойиллари, кўп асрлик анъаналарнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш, унинг жаҳон маданиятига қўшаётган ҳиссасини белгилашдан иборат. Шу кунга қадар Шарқнинг бой мусиқа анъаналарини дунёнинг турли қитъаларида шаклланган илмий мактаблар, олимлар ўзига хос илмий-тадқиқот усулларига таянган ҳолда ўрганиб келди. Шубҳасиз, бу усуллар бир-бириндан фарқ қиладди. Анжумандан кўзланган яна бир мақсад, Шарқ мусиқа анъаналарини ўрганиш бўйича турли илмий мактабларда шакл-

Давоми бешинчи саҳифада.

БАЙРАМОҲДИ УЧРАШУВЛАРИ

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан юртимизнинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Бу тадбирларда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг таниқли ва умидли ёш хонандалари халқимизга, ёшларга она-Ватан, муҳаббат, меҳроқибат ҳақидаги кўшиқларни тақдим этиш билан бирга, мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори санъат ва маданиятга берилётган эътибор, бу соҳада эришилган ютуқлар ва режалар билан ҳам ўртоқлашмоқдалар. Яқинда Бухоро вилоятида "Биз фуюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида фестивал бўлиб ўтди. Уч кун давомида санъаткорлар вилоятнинг чекка ҳудудларида ёшлар билан ижодий учрашувлар ўтказиб, энг сара кўшиқларидан қуйладилар. Наманган ва Фарғона вилоятларидаги тадбирларда Зулайхо Бойхорова, Абдухўшим Исмоилов, Гийёс Бойтоев каби таниқли хонандалар, Малика Эгамбердиева, Сардор Мамадалиев каби ёшлар қатнашди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Хоразм, Тошкент, Самарқанд вилоятларида бўлиб ўтган тадбир ва концертларда, шунингдек, ҳафтанинг ҳар жума кунини Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилаётган тадбирларда ҳам кўплаб таниқли хонандалар ва истеодли ёш ижрочилар муҳлисларга энг сара кўшиқларини тақдим этдилар.

Ҳилола АБДУРАҲМОҲОВА

САОДАТЛИ КУНЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Албатта, қилган меҳнатинг ҳақида сўзлашда ҳам бир гашт бор-да.

...Ниҳоят далаларга сафаримиз туманда янгидан ташкил этилган интенсив боғ томошасидан бошланди. Сербиядан келтирилган, гуркираб турган янги боғ икки гектар жойни эгаллади. Ҳар бир фасл соғини келадиган юртимизда олис ўлканинг тезпишар оммалари яшнар турибди. Жуда ёш ниҳолларнинг бошига оқ бўздан соябон тортилган. Ҳасанбой қишлоғидаги бу гўзал манзарани ёш соҳибкорлар яратти. Тажрибали боғбон Асомидин Зоҳидов бошчилигида Зулфиқор, Исломожон, Шаҳбоз сингари кўзларидан ўт чақнаган ёшлар бу жаннатмонанд боғда меҳнат қилишаётган экан.

Уларнинг ёнида тўхтадик. Кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашдик. Тушлик пайти экан. Ихлос билан қурилган кенг, шабада гир-гир эсим турган айвонда боғбонлар даврасида ўтирдик. Йигитлар ўзларича дехқончасига сода, ёшларга хос самимийлик билан

барпо бўлибди. Маҳаллага қадам қўйишимиз билан ҳамма нарсани бошқалардан олдин билишга интилувчи, билганидан тўхтамай мақтаниб ҳам юрвучи болалару тортинчоқ қизлар бир пасда бизни қўраб олишди.

— Амаки, сиз ёзувчисиз. «Уйла, изла, топ!» да кўрганмиз.
— Китоб олиб келдингизми?
— Менгайм битта беринг.
— Учрашув шу ерда бўладими, ё мактабга борамизми?

— Амаки, бизнинг уйга қиринг, рангли балиқлар боқяпман, уч хил... Шундай қилиб «чувиллашиб» кетди болалар. Қизиқ бир ҳолатни хис қиляпман. Бир нафас олдин ёш боғбонлар даврасида бўлганимда уларнинг қалбидаги шодлиқни худди «қўлим билан ушлаб кўргандек» бўлгандим. Мана бу болалару уятчан қизларнинг «бизнинг уйимизга кирасиз», «китобларимиз ҳам бор», деб сакраб-сакраб қўяётганларида билдимки, янгилик, қайси ёшда бўлмасин, ҳаммага бир хил таъсир қилар экан, руҳни чароғон қиларкан ва табиийки, озорқ бўлса-да одамнинг мақтаниб ҳам олгиси келаркан.

Илҳом ака Юнусматов «Обод турмуш» маҳалласининг раиси экан, танишдик. Сўхбатимиз тезгина жонланиб ҳам кетди. Узоқ ҳаёт йўлидаги ўнқир-чўнқирлардан ўтиб, бой тажриба тўплаган Илҳом ака кишилар турмушини, уларнинг нимадан кўнгли тўлиб, нимадан кўнгли тўлмаслигини яхши биладиган чинакам маҳалла

қўроқли экан. Ушбу янги кўчада ҳозир жозибаси билан ўзига тортиб ҳайратимизни ошираётган уйлардан 173 таси қурилаётган экан. Ҳўзиргача 40 нафар оила кўчиб келиб ўзларининг янги, обод турмушини шу ерда бошлаб юборишибди. Яна 120 та уй қурилиб ўз эгаллигига топширилади.

Фахр билан айтилган бу сўзлар замирида маҳалла кўчасини беэаб турган замонавий магазин, тикув цехи, нонвойхона, врачлик пункти, спорт комплекси каби иншоотлар, хизмат кўрсатиш шохобчаларига бўлган «ўзимизники» деган бир гурурини тусиз. Алоҳида тортиб келинган газ қувурлари, ичимлик сув тармоғи ҳам кишилар қайфиятини янада кўтараяптиганига амин бўласиз.

Озоқдигимизнинг яқинлашиб келаятган тантанали кунларини нишонлаш учун бутун мамлакатимизда жўшқин рух, хуш кайфият устивор. Саодатли кунлар сурурида ашаётган юртдошларимиз қалбидаги гурур, офтихор, «Катта тўйимизга муносиб улуш билан борамиз», деган ўзбекона таррадудининг илҳомбахш кайфиятини Тошкент вилоятининг ана шундай гўзал масканларида кўриб қувондик. Бундан улар қатори гурурландик.

Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси



сўхбатни ҳам бошлаб юбордилар.


— Кўчат ораси бир ярим метр бўлиши керак.
— Эни 3 метргача бориши керак. Бўйи, нари борса икки метрдан ошмаслиги керак.

— Бир тўпи 10 килогача ҳосил беради. Гектарига икки ярим мингта кўчат экилади.

— Э, боринги, — деб сўзга яқун ясайди Асомидин ака, — яхши ишланса гектаридан 25 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Лекин, ёзувчи ака, бу ниҳоллар чўқур томир отмас экан, томири панжа бўлиб ердан узоқ кетмас экан. Агар шу навларни ўзимизнинг чўқур томир отадиган оммаларимизга чатиштира оласак, у, қандай зўр бўларди-я.

Энди бу ердаги қувончу яратувчанлик ҳаяжони билан яна бир сўлим манзил томон ошамиз. Обод киш-лоқлар, поёнсиз экинзорлар, ҳар бир пайкал ўз экинини кўз-кўзлаб турган далалардан ўтиб бораяпмиз.

Ниҳоят, «Обод турмуш» маҳалласида тўхтаймиз. Худди эртақлардаги каби чиройли бир шаҳарчага дуч келгандек бўлдик. Кўчаларга ётқизилган асфалтнинг силлиқлигидан, қарасанг, юзинг кўринади. Йўл четтидаги йўлакчаларга мрамар ётқизилган. Янги ниҳоллар ўтқазилган. Ниҳоллар остида анвойи гуллардан кичик-кичик гулзорлар



КУНДОШ КУНГА ШЕРИКМИ?

Кундош. Кундошни баъзилар «кунга шерик», «кунига шерик» маъносига тушунади. Лекин ҳозир ҳам Сурхондарёда «кунлаш» деган фёв ишлатилади. Укасига кўрсатилаётган эътибордан хафа бўлиб, яқинларининг яхши маънобабини қизғанаётган, укасини кўролмаётган болага нисбатан «Бола укасини кунулапти», дейишади. «Кундош» сўзи айнан шу «кунулаш» сўзи билан алоқадор. «Ўзбек тилининг этимологик луғати» да ҳам «кун» сўзи қадимги туркий тилда «қизган», «ғайрилик йўл» деган маъноларни аниқлаётган айтилган.

«УРҒОЧИ» «УРУҒ ОЧУВЧИ»МИ?

Урғочи. Бу сўзнинг этимологияси ҳақида «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да шундай дейилган: «Бу сифат қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, «ҳосил қил» маъносини аниқлаётган «ур» фёвга кучайтириш маъносини ифодаловчи «-га» қўшимчасини ва шахс маъносини билдирувчи «чи» қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган». Албатта, бу изоҳда «уруғ» сўзининг ҳам туб илдизига ишорати кўриш мумкин. Лекин менинг хаёлимга тўсатдан яна бир фикр келди. Гарчи бу фараз аниқ асосларга эга бўлмаса-да, айтиб ўтишни маъқул топдим. «Урғочи» сўзи «уруғ очувчи» ёки «уруғ очди» деган маънога эга эмасми-кан? Ҳар ҳолда, бу тахминни ҳам ўйлаб кўриш керак.

БИР ОНАНИ ЭМГАН СЎЗЛАР

Ҳамшира ва ширхўра. Тилимизда, асосан, «ши-фоҳонада ишловчи, ўрта тиббий маълумотга эга бўлган ходима, тиббий ҳамшира» маъносини ан-

Бошланиши биринчи саҳифада.

Йўл ёқаларига ранг-баранг гуллар экилган, навнихол арча кўчатлари ўтқазилган. Эски уйлар бузилиб, йўл кенгайтирилган жойларда намунавий лойиҳадаги янги уйлар қурилади.

— Ушбу йўл қурилишининг кўлами кенг, — дейди ҳамкасбларига ёрдам беришга тараддулланиб турган Шўҳрат Ашуров. — «Термиз халқроқ аэропорти — Хайратон кўприги» автомобил йўлининг шимолий ва жанубий йўналишларида тўла таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, йўл ёқалари кўкаламзорлаштирилиб обод этилмоқда.

Сурхон дарёси бўйида янги қурилган Йўл-патруль хизмати масканида тўхтадик. Йўл-патруль хизмати ходими ўзини таништирди: — Назоратчи Низомиддин Абдузироров.

Янги қурилишлар ҳақида мақола ёзаётганимни эшитиб, Низомиддин бизни икки қаватли бинога бошлади.

— Мана бу дарсхона. Бизда ҳар душанба кунги ўқув машғулотлари, маънавият сабоқлари ўтқазилади. Терапия иккинчи қават назорат хонаси. Бинонинг нариги қанотида она-болалар хонаси, тиббий ёрдам кўрсатиш хоналари бор...

Барча хоналар ораста, шинам. ЙПХ маскани автомобилларни назорат қилувчи, машиналарнинг давлат рақамларини тасвирга тушириб ёзиб олувчи замонавий видеокамералар, компютерлар билан жиҳозланган. Постдаги йигитлар ҳаммиса оғоҳ. Улар Ватанимиз осоийшталлигини таъминлашмоқда.

Термизнинг Султон Саодат кўчасидаги автосалонлар, академик лицей, касб-хунар коллежлари, маъмурий ва ўқув бинолари ҳашаматли, кўркам... Янги қурилган оппоқ биноларни кўрганда кўз қувнайди. Улар худди Тошкентнинг Навоий кўчасидаги янги кўп қаватли иморатларга ўхшайди. Теласи хонадон, пастка қавати маънавий хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

— Султон Саодат ва Алишер Навоий кўчаларидаги кўп қаватли замонавий уй-жойларда 289 та хонадон, 106 та дўкон мавжуд, — дейди вилоят ҳокимлиги масъул ходими Мухиддин Тилолов.

Алишер Навоий кўчасидаги янги уйлар ёнида спорт майдончалари, мини футболга мўлжалланган стадионлар қурилган. Кундузи иссиқ, Бирок кечки салқинда бу ўйингоҳлар спорт билан шугулланувчи ёшлар ва ўспиринлар билан доимо гавжум.

Ўтган йили Термизда «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ўтқазилган янги стадион ёнидан юрдик. Янги иморатлар, муҳташам қурилиш иншоотлари шаҳарга кўрқу салобат бағишлаб турибди: «Алоқа банк», «Узагроросаноатқурилишбанк», «Асака банк», «Истиклол» тўйхонаси...

Алишер Навоий ҳайкали қад ростлаган майдонда «Бахт уйи» қурилган. Оилавий ҳаётга илк қадам ташлаган келин-кўвлар улуг бобомиз ҳайкали пойига гул қўйдилар. Алишер Навоий яратган достонларнинг қаҳрамонлари Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби бир-бирларига вафою садоқат изхор этадилар. Сўнг «Истиклол» тўйхонасида никоҳ тўйи севинчиларини эл билан баҳам кўрадилар...

СЎЗДАН СЎЗНИНГ ФАРҚИ БОР

латадиган «хамшира» сўзи форс-тожик тилидаги «бирга» маъносини аниқлаётган «хам» олд қўшимчасига «су» маъносини билдирган «шир» отининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Шу асослардан келиб чиқиб «хамшира» сўзи «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да «бир онани эмган опа-сингиллар» деган мазмунни аниқлаётган, деб изоҳланган. Кейинги даврларда бу сўз «сингил» маъносини ифодалаган.

Жанубий вилоятларимиз шеваларида «ширхўра» деган сўз кўп ишлатилади. Бу сўз ҳам худди «хамшира» каби «бир онани эмган», деган маънони аниқлаётган. Лекин бу сўз фақат аёлларгагина эмас, эркекларга нисбатан ҳам ишлатилади.

КАКЛИК КАККИЛАЙДИ

Каклик. Товуқсимонлар оиласига мансуб, сайроқи тоғ қуши номини ифодалайдиган «каклик» сўзи асли товушга тақлиддан ҳосил бўлиб, унинг туб илдизи «каккиламоқ» фёвга бориб тақалади. Эҳтимол, «каклик» «каккилла» бўлгандир. Изоҳли луғатда «каккилламоқ» ва «какилламоқ» сўзлари бир хил асосга эга, деб кўрсатилган. Халқ орасида «каклик какирлайди», деган ибора бор.

«ДАККИ»НИНГ ЧАККИСИ

Даки. Ножўя иш, хатти-ҳаракат учун айтилган танбех тилимизда «даки» сўзи билан ифодаланган. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да изоҳланганича, «даки» сўзи аслида хинд тилидан бизнинг тилимизга кириб келган бўлиб, унинг асл шакли «дхакка» бўлган ва у «зарб», «туртки», «изтироб» деган маъноларни аниқлаётган.

«Чакки юрсанг, даки ейсан» (мақол).

Ўтган йили Юртбошимиз очиб берган Термиз давлат университетининг янги биноси ёнида бу йил яна қурувчилар ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Университет қошида 400 ўринли талабалар тураржойи, Ахборот-ресурс маркази ва филология факултети биноси қурилмоқда. Ушбу қурилиш иншоотларини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги тантаналари арафасида фойдаланишга топшириш учун бунёдкор қурувчилар бир ғайратига ўн ғайрат қўшилмоқда. Талабалар янги, замонавий аудитори-

ларининг шалоплаши, денгизчиларнинг гала-говури эшитилгандай бўлди. Овдан қайтган балиқчилар тўрларини, катта саватлардаги балиқларни кўтариб қирғоққа тушаётганларини кўргандек бўласиз...

Автопоезд олиб ўтаётган йўлнинг икки ёнидаги ям-яшил арчалар дарё шомолида секин тебранади. Ҳадемай «Ал-Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуаси»нинг дарвозасидан ҳовлига кирасиз. Атрофи тақир адирлар билан ўралган дашт ўртасида ям-яшил боғ, гўзал бир бўстон барпо

ортиқ кўп йиллик манзарали дарахтлар, Қрим қарағайи, Элдар қарағайи, эман, каштан, арча дарахтлари экиб парваришланмоқда. Махмуа ҳовлисида музей қурилиб, янги экспонатлар билан бойитилди. Чет эллик сайёҳларни кўпроқ жалб этиш, туризмни ривожлантириш, халқимизнинг бой қадимий тарихи, маданияти ва гўзал обидаларини жаҳонга таништириш мақсадида ҳар йили ўндан ортиқ сайёҳлик компаниялари билан шартномалар тузилмоқда.

Мақбаранинг орқа томонида қалъа деворлари. Термизга қанчадан-қанча фотиҳлар, саркардалар қадам босган. Кимдир вайрон этган, кимдир шаҳарни қайтадан қуриган. Жангу жаддалардан, селу тоқчилардан, ёлғиру қорлардан омон қолган қалин деворларда қўннар тарих излари кўриниб турибди. Бир ёнда уваланиб тушган, сочилиб ётган катта-катта хом гишлар. Бир ёнда асли қандай бўлса, ўшандай қилиб янгидан қурилган маҳобатли қалъа... Истиклол шарофати билан ушбу ёдгорлик мажмуи обод бўлди, гуллаб-яшнади. Чет эллардан таштирив буорган саёҳатчилар ва юртдошларимиз билан гавжум муборак зиёратгоҳга тишлайсиз.

ОБОД ЮРТ ҚЎШИҒИ

Термиз туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи.



этилганидан ҳайрат бармоғингизни тишлайсиз. Кошинли йўлакларнинг икки гирдида барқ уриб ўсган майсалар, ранг-баранг гуллар, антиқа манзарали дарахтлар. Ҳар сақиз-ўн метр масофада ўриндиқлар қўйилган, Ат-Термизий бонбонинг ҳикматли сўзлари ёзилган лавҳалар ўрнатилган.

— Президентимиз 2011 йилнинг 22 апрелида ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, ушбу муқаддас қадамжони янада обод ва кўркам этиш борасида зарур кўрсатмаларни берган эди, — дейди ёдгорлик мажмуаси ижрочи директори Абдураим Чориев.

Махмуа худудида гул кўчатларини ўстириш мақсадида махсус иссиқхона қурилди. Ҳар йили юз мингдан ортиқ мавсумий гуллар парваришланмоқда... Мақбара биноси жойлашган ерни захдан сақлаш мақсадида 100 метрдан ортиқ узунликдаги ариқ қайта бетонланди.

Республика санъатшунослик институти археологлар билан ҳамкорликда мажмуа худудидаги қалъа девори тупроқдан тазаланган, бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган ёдгорликлар очилди. 1200 донадан

этилганидан ҳайрат бармоғингизни тишлайсиз. Кошинли йўлакларнинг икки гирдида барқ уриб ўсган майсалар, ранг-баранг гуллар, антиқа манзарали дарахтлар. Ҳар сақиз-ўн метр масофада ўриндиқлар қўйилган, Ат-Термизий бонбонинг ҳикматли сўзлари ёзилган лавҳалар ўрнатилган.

— Президентимиз 2011 йилнинг 22 апрелида ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, ушбу муқаддас қадамжони янада обод ва кўркам этиш борасида зарур кўрсатмаларни берган эди, — дейди ёдгорлик мажмуаси ижрочи директори Абдураим Чориев.

Махмуа худудида гул кўчатларини ўстириш мақсадида махсус иссиқхона қурилди. Ҳар йили юз мингдан ортиқ мавсумий гуллар парваришланмоқда... Мақбара биноси жойлашган ерни захдан сақлаш мақсадида 100 метрдан ортиқ узунликдаги ариқ қайта бетонланди.

Дарёларга самолар сел бериб кетган шаҳар, Дунёларга ҳаволар эл бериб кетган шаҳар.

Минг йиллар, асрларга чил бериб кетган шаҳар, Кирпичлар қасрларга тил бериб кетган шаҳар.

Мўғуллар, Чингизхонлар чўл бериб кетган шаҳар, Амир Темур боболар гул бериб кетган шаҳар.

Азизлар, авлиёлар қўл бериб кетган шаҳар, Ҳақ бирла дённатга йўл бериб кетган шаҳар.

Ботирлару полвонлар ул бериб кетган шаҳар, Обод этиб сардори дил бериб кетган шаҳар!

Тошкентга қайтаётганда аэропортга яна ўша кўчадан юрдик. Шу қисқа муддат ичида қурилиш битган. Йўл дазмолланган янги қоп-қора костюм-шимдек ялтиллаб турибди. Эрта тонг шабадаси йўл ёқаларига экилган гулларнинг хушбўй ифориини димоққа пурақайди.

Йиланлаётган шаҳар қиёфасига самолёт ойнасидан боқиб, шу сатрлар қоғозга тушди.

Рустам МУСУРМОН

«ЧАЙИР»ГА ДОИР

Чайир. Тилимизда «чайир» сўзи «чиникқан», «пишиқ» маъноларини аниқлаётган. «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланганича, қадимда саксовуллар оиласига мансуб, панжага ўхшаб ўсадиган ўсимлиқнинг номи «чайир» бўлган ва шу ёввойи ўсимлик номидан маъно тараққиёти натижасида сифат ўсиб чиққан. Шундан сўнг «чайир» сўзи «ёрилиши қийин ўтган» маъносини аниқлаётган бўлган. Кейинроқ бу сўз одамга нисбатан чиникқан, пишиқ маъносига ишлатилган.

ТОП ТУШ

Тол туш. Жонли тилимизда ҳозир ҳам қоқ туш пайтини ифодалайдиган «тол туш» бирикмаси кўлланилади. Бу бирикма жуда қадимдан бизда бўлган. Ундаги «тол» сўзи «қоқ ўрта», «тўлик» деган маъноларни аниқлаётган. Демак, «тол туш» бирикмаси ёз фаслидаги «туш пайтининг қоқ ўртаси» ёхуд «тўлик туш вақти», деган мазмунни билдирган.

«НЕФТ» ИЗЛАБ

Нефт. Ёнилғи сифатида ишлатиладиган ва бензин, керосин каби маҳсулотлар олиннадиган қора ёғсимон суюқ минерал модда тилимизда нефт, деб аталишини яхши билмади. Бирок негадир бу сўз тилимизга бошқа тилдан кириб келгандай таассурот қолдиради. Аслида «нефт» сўзи тилимизда қадимдан бўлган туркий сўздир. Алишер Навоийнинг «Хамса»сида «нефт» сўзи бир қанча ўринларда «нафт» шаклида келган:

Бўлуб икки кўзи наззора чоғи, Нечукким нафтининг ўлтуғ булоғи.

Не ўтким оғзидан тортиб забона, Бўлуб нафти ёрутқондин нишона.

Эшқобил ШУКУР

Доимий ҳамроҳ

ни амалга оширишдаги илк қадамлардан бири бўлди. Мазкур тўплам ўланчилик аъёнасининг тарихий асослари, ўзига хос ижро йўллари ва халқимиз маънавий-маданий ҳаётида тугган ўрни масалаларига бағишланган. Китоб «Кўз очган бу-ва лапар ижрочилари кўрик-танловлари бу йўналишда ҳар бир

«ЎЛАН АЙТГАЛИ КЕЛДИК»

худуднинг ўзига хос аъёналари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Номоддий маданий мерос намуналаридан бўлган ўланлар ҳам ёшларнинг маънавиятини бойитишга, ватанга муҳаббатини мустаҳкамлашга, юртга садоқатини шакллантиришга хизмат қилади. Шу пертуарида халқ оғзаки ижодининг ноб дурдоналарини тўплам тарзида ёш китобхонларга тақдим этиш хайрли иш.

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан «ISTIQLOL NASHRIYOTI»да чоп этилган «Ўлан айтгали келдик» (муаллифлар — Маматқул Жўраев, Ўткир Тоҳиров, Шаҳодатжон Имомназарова) китоби ана шу эзгу мақсад-



жанри» деб номланган бўлимда ўланларнинг ёзиб олиб ўрганилиши, бу жанрнинг тарихий асослари, ўзига хос хусусиятлари ва ҳозирги ҳолати ҳақида фикр юритилган. «Аъёналар давом этади» номли бўлимда эса ўланга бағишланган фольклор фестивали, фольклор жамоалари репертуарида ўлан жанри каби бир қатор масалалар атрофида фикр юритилиб, асрларга тенгдош ўланлардан намуналар берилган.

«Ўлан айтгали келдик» китоби фольклор-этнографик жамоалар, маданий муассасалари ходимлари, шунингдек, номоддий маданий мерос дурдоналари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Раимиз ВАЛИЕВ

Бошланғичи биринчи саҳифада...

ХХ асрнинг 60-йилларида мустамлакага айланган Туркистон зиёлиларининг ХХ аср бошларида келибгина уйғона бошлаганининг сабаблари нимада? Нима учун халқнинг тарққийпарвар кучлари халқ ва мамлакатни қундан-қунга чирмаб ташлаётган мустамлакачилик кишанларини бўшатиш учун шу вақтгача бирор хатти-ҳаракатни амалга оширмаганлар? Бунинг, шубҳасиз, бир қанча сабаблари бўлган. Сабаблардан бири шунда эдики, шу вақтгача Туркистонни идора қилиб келган хонлар ва амирлар мамлакат ҳаётига янги фикр ва гояларнинг кириб келишига, халқ орасидан етишиб чиқаётган ақл ва заковат эгаларининг жамият ҳаётида муҳим роль ўйнашига имкон бермай, халқни, шу жумладан, унинг илгор кишиларини мутелик ҳолатида тутиб келган эдилар. Туркистон мустамлакага айланганидан кейин хонлар ва амирлар ўз мавқеларини мутлақ йўқотган, ўқтин-ўқтин каллакланиб келган халқ орасидан эса ҳали омманни етаклай олувчи кишилар етишиб чиқмаган эди. Аммо кўп ўтмай, мавжуд тарихий шариоат тақозоси билан шундай кишилар авлоди етишиб чиқди ва халқ уларни жадид маърифатпарварлари деб атади.

Шубҳасиз, халқ ўртасида жадид номи билан танилган кишиларнинг ҳаммасини ҳам ХХ аср бошларида шакллана бошлаган миллий уйғонish ҳаракатига мансуб, деб бўлмайди. Улар орасида тасодифий қимсалар оз бўлмаган. Бирок худди шу даврда Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Ҳамза, Тавалло, Хондайлик сингари ўнлаб фидойи маърифатпарвар шoir ва ёзувчилар етишиб чиқдиларки, биз уларни ҳақли равишда миллий уйғонish ҳаракатининг қалдирғочлари сифатида эъзозлаб келмоқдамиз.

Агар шу шoir ва ёзувчиларнинг ижодий йўлига назар ташласак, уларнинг аср бошларидан 1914 — 1915 йилларгача бўлган ижодидан Туркистон ва Бухородаги сиёсий-ижтимоий тузумнинг чиргани ва шу сабабли маҳаллий халқнинг оғир иқтисодий ва маданий аҳволда яшагани яққол кўриниб туради. 1916 йилда Ўрта Осиё бўйлаб авж олган кўзғолон ва бу кўзғолоннинг шарафсиз бостирилиши билан жадид маърифатпарварлари Россия мустамлакачилик сиёсатининг гайринишоний ва гайримиллий муҳитини яна бир бор кўриш имкониятига эга бўлдилар. Улар миллий ўзликдан ва ислом динидан тамоман маҳрум бўлиб қолмаслик учун жадид ҳаракат қилиш зарурлигини тушуна бошлашди. Кўп ўтмай, 1917 йил февраль инқилоби рўй бериб, Россия империяси чок-чокидан сўкилиши билан

улар ижодига янги гоя — эрк ва хуррият гоялари кириб келди. Бу янги гоянинг катта садо касб этиши учун феврал инқилоби рўй бериши, миллий уйғонish ҳаракати қатнашчиларида мустамлакачилик кишанларини парчалаш мумкинлигига ишонч туйғулари уйғонishi лозим эди. Шундай ишонч билан йўғрилган тарққийпарварлар халқ ва унинг пешқадам кишиларини бир байроқ остига бириктириш мақсадида эрк ва хуррият гоялари балқиб турган асарларни ёзишга чоғландилар. Бу асарлар, улар наздида, халқни хуррият байроғи остида бириктириш, миллий озодлик учун курашга сафарбар этиши мумкин эди.

Аммо бу муҳим воқеадан аввал Чўлпоннинг ҳам, Фитратнинг ҳам, Ҳамзанинг ҳам бири бири ила кўринмас иплар билан боғланган Ватан ва миллатни шарафловчи шеърлари майдонга келган эди. Чунончи, Фитрат "Сайха" тўпламидан жой олган форсча шеърларидан бирида Ватанинг бундай пуриқор образини яратиб, ёзган эди:

Бинмо саҳаре азми тавоф Ватани ман!
Ах-ах, чи Ватан, саждагоху жону тани ман!
Ҳам маъмени осоншу иззу шарафи ман,
Ҳам Каъбан ман, қиблан ман, ҳам чамани ман.

Таржимаси:

Тонгда тавоф этгани чиқ — Ватанимдир,
Оҳ-оҳ, не Ватан, саждагоху жону танимдир.
Иззат-шарафим, тинчму аршимда тўлин ой,
Ҳам қибламу, ҳам Каъбаму, ҳам чаманимдир.

Агар бу гўзал сатрлар шoirнинг Туркияда таҳсил олган йилларида ёзилган бўлса, 1917 йил декабридан ойна-Ватани душман чаңгалидан қутқариш орзуси билан яшаётган шoir қалбидан бундай оташин сатрлар отилиб чиққан:

Онам! Сени қутқармоқ учун жоним керакдир?
Номусим, виждон билди имоним керакдир?..

Бу ҳар иккала шеърда яратилган Ватан образи шундай катта кучга эгаки, бу шеърларни ўқиган китобхон қалбида Ватанга муҳаббат туйғулари алангаланмаслиги маҳол. Фитрат ҳам, унинг бошқа қаламкаш биродарлари ҳам шундай шеърлардан кейин ватандошларини эрк ва хуррият учун курашга даъват этувчи шеърларни кўп ва хўб ёзишди.

Шу йилларда Ташкент маърифатпарварларининг сардори Мунаввар қори Абдурашидхон "Ҳақ берилмас, олинур!" деган жанговар шoir билан чиқди. Эрксевар шoir ва ёзувчилар ўз шеърлари ва публицистик мақолалари билан шу шoirнинг замондошлари қалбига етиб бориши ва уларнинг

дастуриламалига айланиши учун жонбозлик кўрсатдилар. Улар фақат сафарбарлик руҳи билан сугорилган шеър ва мақолалар ёзибгина қолмай, 1917 йилнинг октябрь ойида Кўконда тўпланиб, Туркистон Мухторият ҳукуматининг тузилганини эълон қилдилар. Чўлпон, Ҳамза каби шoirлар мухториятни олқишловчи шеърлари билан водий аҳолисида мустамлакачилик кишанларининг парчаланганига, эрк ва хуррият гоялари тانتанасига ишонч туйғуларини уйғотишга интидилар. Аммо улар болшевикларнинг маккорликларини яхши билганлари учун халқни ҳаёт-мамонт курашига сафарбар қилишнинг турли-туман йўлларини ахтардилар. Шундай йўллардан бири ўз фа-

ти ўз тарихи давомида биринчи марта халқ ва мамлакат тақдирини билан боғлиқ масалаларга қўл уриб, ўзининг жанговарлик кучини муваффақият билан синовдан ўтказди.

Туркистон мухторият ҳукумати тор-мор келтирилди. Мухторият раҳбарлари ва уларга хайрихоҳ кишилар қувинга учрадилар. Ёш совет давлати Мунаввар қори Абдурашидхонлар, Убайдулла Ҳужавеллар, Фитрат ва Чўлпонлар хотирасидан "мухторият", "хуррият", "мустиқиллик" сингари сўзларни ситиб чиқаришга уринди. Аммо Чўлпон 1920 йили Бокуга, Шарқ халқлари қурултойига борган кезларида Каспий денгизи бўйларида қардош дўстлар билан бирга сайр қилар экан, денгиз тўлқинларининг қирғоққа жиловсиз куч билан келиб урилишларини кўриб, хайратга тушади. Тўлқинларнинг бу дахшатли ўйини шoir илҳомини жунбўшга келтиради. У денгизга қараб хитоб қилади:

Ўйна, эй тўлқинлар, пўртана, дахшат сол,
Қирғоқлар титрасин кўрқиб.
Кўк юзи, ер ости тинч бўлса, вахшат сол
Дарёдан сув ташлаб, пурқиб!

Бу менинг кенг кўнглим гавонин, жанжални,
Тўлопон, кўзгагиш, чувалаш, исёнин, тўфонин
Суюдир; шунинг-чун дунёни, жаҳонни, тоғ ва тош —
Ҳаммасин ағдирмоқ истайдир, ёнадир, қуядир...

Ўйна, эй пўртана, тўхтама, қувват ол,
Чоғ келгач, эриб ётма, ухлама, бўлмасин йўқдама.
Кўп эзган душмандан, паст жондан
Ўчини ол, ўчини ол, ўчини ол!..

ХУРРИЯТ ОРЗУСИ

олияти билан ўзбек давлатчилиги тарихининг олтин саҳифаларини битган буюк ўтмишдошларимиз руҳидан мадад сўраш эди. Фитрат 1917 — 1918 йилларда "Юрт қайғуси" деб номланган туркум соҳмаларида ва "Темур сағанаси" пиесасида Амир Темур руҳига мурожаат қилиб, ундан миллий озодлик учун курашаётган ватандошларига руҳан мададкор бўлишини сўраб ёлворди: "Бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим синик, бўйим буюк.

Сенинг зиёратингга келдим, султоним! Эзилган бошим, қисилган виждоним, кўйган қоним, ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим, хоқоним!

Юз йиллардан бери жафо кўруб, гам чекиб келган туркининг қонли кўз ёшларини этакларингга тўқарга келдим.

Қороғуликлар учра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олғали келдим..."

Фитратнинг юрак қони билан ёзилган бу сўзлари мустамлакачилик зулмидан жабр кўрган кишиларни қайта кўлдирмаслиги аниқ эди. Адиб шу сўзлари жабдийда ватандошлари қалбига етиб бориши ва уларни курашга созлаши учун "Темур сағанаси" пиесасини ёзиб, Турон қоровули номидан изтироб тўла сўзлар билан Амир Темур руҳига мурожаат қилди.

Фитрат, Чўлпон сингари оташнафас шoirлар туйфайли шеърини шу йилларда кураш қуролига айланди. Шубҳасиз, ўша миллий таназзул даврида эрк ва хуррият йўлида олиб борилган бу курашнинг галаба билан якунланиши амри маҳол эди. Лекин ўзбек шеърля-



бўлса-да, амирлик вайроналари ўрнида Бухоро Халқ Жумҳуриятининг барпо этилиши Чўлпондаги мудроқ туйғуларни уйғотиб юборди. Унинг ҳаёлида халқ боғи денгиз образида гавдаланди. Бу халқ-денгиз, унинг назарида, амирлик кўргонини парча-парча қилиб, ўзининг тарих ижодкори сифатида куч ва қудратини намойиш этгандек бўлди. Шoir ёзди:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ учдир.

Халқ кўзғолса, куч йўқдирким, тўхтатсин,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин...

Романтик Чўлпон бу шеърда ўз орзуларининг рўёбга чиққанини кўриб, тантана қилмоқда. Шу тантана садолари шеърнинг ҳар бир сатридан жананглаб туради. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, ўқдай отилиб, "Бухоро Халқ жумҳурияти" ифодаси орасига "совет" деган сўз суқилиб қиради. Халқнинг Чўлпон шеърдаги денгизмонанд образи сароб янглиғ дамига кетади. Туркистон энди "оқ" мустамлакадан "қизил" мустамлакага айланган, бу дахшатли реаллини ўзгартира олувчи куч Чўлпонлар ва Фитратларнинг назар-эътиборидида кенгликка йўқ эди. Бу ўзбек тарққийпарварларининг ва умуман ўзбек халқининг катта фожiasi эди. Шундай тарихий шариоатда улар яширин ҳаракат йўлини танладилар. Эрк ва хуррият учун кураш қиличи қинга солинди.

Эрксевар авлодлар мустамлакачилик ҳавосида бўғилган кезларида Чўлпон ва Фитратнинг, Тавалло ва Элбекнинг, Хондайликнинг ва Усмон Носирнинг шу эзгу гоялар мавқилини турган асарларини ўқиб, армондан чиқдилар. Чўлпоннинг: "Чекиниб бу "Эпоха"ни, кули кўларига совирилсин" сатрларидаги бир олам маъно улар қалбидидаги хуррият ва мустиқиллик ҳақидаги орзунинг авлоддан-авлодга ўтиб келишини таъминлаб турди.

Ўзбек халқининг мустиқилликка эришиб, ўз тақдирини ўзи белгилувчи халқлардан бири даражасига кўтарилишида эрк ва хуррият тароналарини қуйлаган аждодларимизнинг ҳам хизматлари оз эмас. Зеро, бизнинг қалбимизда жўш уриб турган шу жанговар ва дилбар таронанинг муаллифи ва илк ижрочиси улардир. Уйлаймизки, шу тарона ҳозир уйғайиб бораётган авлодлар қалбидида ҳам акс-садо бериб, ўзбек халқининг буюк келажагини, мунаввар келажагини барпо этишларида уларга илҳом бериб туради.



Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Адабиёт пайдо бўлгандан буён аёлни куйлаб келадим. Унинг гўзаллиги, меҳру вафоси, садоқати, нозу ишваси, жабру жафоси кўлаб асарларнинг етакчи мавзусидир. Мустиқиллик йилларида аёлнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги ўрнини аниқлашга эътибор ниҳоятда кучайди.

Эсингизда бўлса, шўролар даврида яратилган асарларда раҳбарлик лавозимларида ишлаган аёллар уйдодларини ҳам хизматкор ҳисоблар, уларни назар-писанд қилмас, хоҳласа жавобини бериб юбораверадилар. Улар ўша даврда ҳукмронлик қўлган мафкуранинг роботлари сифатида ҳаракат қиларди. Истиқлол маънавияти бундай қарашларга чек қўйди. Энди аёл зотиға, аввало, она деб қарашдек миллий менталитетимизга мос ҳусусият устувор. Зеро, турмушнинг ободлиги, кўнглининг шодлиги, дастурхоннинг тўқинлиги кўп жиҳатдан аёлнинг ақлу фаросати, меҳру муҳаббатига боғлиқ.

Ёзувчи Кўнкор Норқобил "Бу ерларда ҳаёт бошқача" ("Ёшлик" журналы, 2012 йил, 10-сон) ҳикоясида ана шундай аёлларнинг икки хил образини чиқарди. Улардан бири "Ёши ҳам саксонга сабоқ бериб, игнага ип ўтказолмай қолганига анча бўлган, лекин ўзи анча тетик", гўмбурлаган овозда гапирадиган, шунга кўра "Гулдурак момо" деб ном олган Ташбуви кампир. У бир кунги ёши

ўзидан ҳам улуг, аммо "Оқ аралаш ўсим қошини чимириб" юрадиган, қўлидан кетмони-ю ўроғини, тилидан дадил гапларини ташламаган чолига кўлдан бери юрагини эзиб юрган дардини айтади. Момонинг ташвиши турмушнинг бир оғирлиги муаммоси — фарзандларнинг ота-оналаридан узоқлашиб кетаётгани, ўртадаги меҳр-оқибатнинг суъсийиб бораётгани билан боғлиқ. Кампир чолига куйиниб, йиғлаб дейди: "Болаларимиздан узоқлашиб бораётгандаймиз. Болалар бизданми, биз болаларданми узилиб бораёпмиз. Бир бизамас, бошқа тенгқўларимиз ҳам шундайга ўхшайди... Шундан кўришимиз керак, бовоси, шунга йиғлашимиз керак, бовоси...".

Момонинг бу ўқинчи замирида турмуш ҳақиқати ётибди. Чиндан ҳам, шунки пайтларда кексалар билан ёшлар ўртасида олдин ўтган авлодларга эса меҳр-оқибат ришталари унчалик мустаҳкам эмаслиги кўзга ташланыпти. Ўйилар оила курғач, тезроқ алоҳида яшашни истаб қолади. Уй-жой қилиб кўчиб кетгач, кейин гўё қафасдан қутил-

"ҚАЛБ ҚАНДИЛИ"

"Академнашр" нашриётида чоп этилган адабиётшунос Олим, фаол мунаққид Абдулла Улуғовнинг "Қалб қандили" номли китобиға кейинги йилларда битган адабий-танқидий мақолалари, адабий портрет ва адабий-танқидий очерклари жамланган. Жумладан, атоқли шoir Фафур Фулом поэзиясига бағишланган "Оқсак шеърини жозибаси" мақоласи ёки таниқли шoir Эшқобил Шукур ҳақидаги "Шеърсевар эл шoirи" адабий портретини ўқиб, қалбларни мунаввар туйғуларга чулғаб, юртдошларни эзгулик сари ундаб келаятган ўзбек шеърининг турли авлодларига мансуб шoirлари ижодий ютуқларининг мунаққид нигоҳидаги таҳлил ва тақлиплари билан танишасиз.

А.Улуғов замонавий ўзбек шеърини забардаст вақилларининг шеър ва достонлари ҳақида сўз юритганда улардаги китобхон қалб қандилини гард, губордан поклайдиган тасвир кучи, қувватиға эътиборни тортади, сўз чинакам

мўъжиза эканини таъкидлайди. "Айни шеърларни мутлоа қилсак, қалбимиз қандили аввалгидан ёруғ нур таратаётганидан бутун борлик бошқача кўринаётганини, барча одамларга яхшилик соғинаётганимизни ҳис қила бошлаймиз", деб ёзди муаллиф.

"Қалб қандили" тўпламига асарларда салмоқ бағишлаган оқлардан бири китобдаги "Бахтининг бахти ва..." деб номланган атоқли рус адабиётшуноси М.М.Бахтин ҳаёти, илмий фаолияти ҳақидаги адабий-танқидий очерк. Очеркда А.Улуғов "Достоевский поэтикаси муаммолари", "Франсуа Рабле ижоди ҳамда ўрта асрлар ва Уйғонish даври халқ маданияти" сингари фундаментал фалсафий-адабий тадқиқотлари билан жаҳон адабий-эстетик тафаккурига, адабиётшунослигига бекиб ҳисса қўшган М.Бахтин ҳаёти, ибратли шахси, жасорати, энг муҳими, илмий-ижодий фаолияти ва йирик тадқиқотлари мазмун-мундарижаси ҳақида батафсил ҳикоя қилади.



Доимий ҳамроҳ

дикул — қуруққина: "Яхшиман, ординдан бой-бадавлат бўлиб ўзингиз эҳшимисиз? Келинлар, келинг... Эй, ота, яхши келдингизми?"дан нарига ўтмайди. Турдиқулнинг ҳовлиси обод, кенг-мўл. "Бутун ҳовли сатҳига ям-яшил чим ётқизилган. Яшил майдоннинг қоқ ўртасида февора шарқираб сув отяпти, деварагида турли-туман гуллар барқ урган. Бериқроқда мрамр ҳовуз, сувли қилқилаб турибди. Унинг ёнида усти чиройли, рангли елимбўз билан ёпилган войишайвон. Оқ, кўк, қизил рангли пластмасса стол-стулбалар ўрнатилган". Ётоғидан кечкилароқ чиққан келин қайнота-қайнона билан омонатгина кўришиб, нонушта тайёрлайди. Дастурхон

МЕҲРИ АЁЛЛАР МАДҲИ

келишиб, "девордан икки қулоч баянд келадиган қалин зирхли улкан дарвоза"нинг кўнғироғини босишди. Хийла вақтдан кейин "Кўз-қовоғи шишинқираб, оқ ораганлар сочи тўзгин, майкачан, тиззаиштон кийиб олган ўғли Турдиқул" ашиқни очади. Маълум бўлишича, ўғил ва келин ҳали уйқудан туришмаган экан. Ота-она соғинганидан боласини ялаб-юлкаб, бағрига босиб, "болам, болажоним, улим", дея тилларидан бол томиб кўришиб-сўрашсалар, Тур-

ноз-неъматга тўлди. Лекин гап қовушавермайди. Қариялар бунақа ҳашаматли уй-жойни биринчи бор кўрганликлари боис ҳанг-манг, ўғил билан келин эса сир бой бергиси келмайди. Охири ота ўғлига қараб: "Ховли-жойинг кенг-кенгиш экан, буни қара-я, худди кинодагидай" дейди. Турдиқул гўё шундай бўлиши керакдек, "Ха, энди, ота, ҳовли-да бу, ховли!" дейди. Унинг бу ибораси замирида "Сизлар ҳам аллақандай ховли-да яшаб ўтидиларинг-да! Ховли дегани мана бунақа бўлади" деган писанда бор. Ўғил ва келин ана шу уй-жойига, ҳашамга маҳлиё бўлиб, ота-она, қариндош-уруғ, ҳамқишлоқларига нисбатан оқибатни бутунлай унутган.

Қуринадики, ортиқча бойлик ва ҳашаматга берилиш Турдиқул билан хотинининг кўзини кўр, қулғини қар, қалбини заубун қилиб қўйган. Уйи обод бу кимсаларнинг кўнгли хароб, ўзлари эса беҳаловат. Шу боисдан ҳам ховлисини қўриқлаш учун эшакдек ит боқади, итга қарайдиган хизматкор асрайди. Чол-кампир бу обод, кўркам ховлига сизмай, бир кечадаёқ зерикибди, "Эрталаб тонгда кетамиз"га тушиб қоладилар.

Хуришд Дўстмуҳаммад ҳам "Шабада" ҳикоясида "ЎзАС", 2012 йил, 14 декабр) оиланинг мустаҳкамлиги ва ободлиги ҳашамат ёки бойликка эмас, балки меҳр-оқибатда, вафо ва садоқатдадир, деган гояни илгари суради. Тадбиркорлиги

оридан бой-бадавлат бўлиб кетган Комрон икки қаватли ҳашаматли ховли-жой қуради. Бунгача у уйланиб, иккита фарзанд кўрган. Бирок энди бу қасрда қандайдиган машуқаси, "сўтга чайиб олган"дек оппоқ исми жисмига мос Нозикой билан яшашни истаб, оиласини ҳайдаб юборади. Шундан сўнг бу ховлидаги ҳаёт таҳликали тус олади. Хонадонда эр-хотини тун бўйи қора шарпалар безовта қила бошлади. Бу Комроннинг ўз оиласига хиёнат қилиб, машуқасини уйига олиб келгани оқибатидир. Бу ҳақда уни онаси ҳам, тоғаси ҳам оғохлан-тирган эдилар. Аммо Комрон на онасининг, на тоғасининг гапла-

ди. Аммо кейинчалик Мадамнинг кўнгли совиб уни ташлаб кетади. Шундан кейин у сабр-тоқат билан болаларини вояга етказди. Нурмуҳаммад ота ва кампирнинг дуосини олади. Шаҳлонинг қисмати бундан қалтисроқ. Мактабда ишлаб юрган қиз Кўлдешали деган йигит билан танишади. Йигит Туркияга бориб ишлаш орзусида эканлигини айтиб, қизни шерик бўлишга ундайди, бойликка қизиқтиради. Ваъдаларига ишонган Шаҳло Кўлдешали билан одамфурушлар қўлига тушади, бир неча йил ёмон йўлдан юришга мажбур бўлади. Охири, бир инсофли одамнинг кўнглини овлаб, юртига қайтишга муваффақ бўлади ва зинҳор-базинҳор енгил йўлдан юрмасликка олт инади.

Қизлар орасида энг тўғри йўлни танлаган Фарангиз турмушга чиққан хонадонда тош келса кемириб, сув келса симириб, овсинларининг инжиқликларини, тухматларига чидаб бахт ва бойликка эришади. Ёзувчи бу аёлларнинг чигал қисматда ҳам, бахтли турмушида ҳам оналарнинг ўрни муҳимлигига алоҳида ургу беради. Турсунойнинг онаси болаларига бепарво, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйган бўлса, Шаҳлонинг онаси Нафиса қизларини "эрининг буридан ип ўтказиб юриш машқи"га ўргатади. Бунинг устига бойликка ўч аёл қизининг кўпроқ пул топиш учун чет элга бориш режасини ўйлаб ўтирмай қўллаб-қувватлайди. Қарши чиққан эрини эса, бир ҳамла билан жим қилади. Фарангизнинг ўқитувчи ота-онаси уни сабр-тоқатли, меҳнатсевар, бошқаларга иззат-ҳурмат руҳида тарбиялайдилар. Қизи оиласидаги жанжаллардан шикоят қилиб келганида ота-онаси ҳар доим панд-насихат қилиб, йўл-йўриқ кўрсатиб қайтариб юбордилар. Натихида Фарангиз алоҳида ховли-жойли бўлади, қайнота-қайнонасининг дуосини олиб, овсинларининг меҳр-муҳаббатини қозонади.

Дарҳақиқат, оилада она, аёл ширин муомаласи, хулқи, гап-сўзи билан ибрат кўрсатиши зарур. Болаларининг олдидида эрига гап қайтариб, уни назар-писанд қилмай турса,

ундан ўрнак олган қизи эртага ўз оиласида шу қилиқларни айнан такрорлайди. Турмушдан файз-бараканинг кўтарилиши, оила аъзоларининг кўнгли гашинлиги шундан бошланади.

Адабий жараён

Гулноза Эрназарова "Эркак" номли ҳикоясида ("Шарқ юлдузи", 2013 йил, 2-сон) ана шундай аёлнинг қилмишлари туйфайли дили оғриган эркекнинг руҳий ҳолатини ишонарли тасвирлайди. Ҳикояда муаллиф шаллақилиғи, юзсизлиги туйфайли оила иморатини барбод, хонадонини вайрон қилаётганларни инсофга қақиради. Ётган анча вақтдан буён бетоб ётган эрини парваришлаш, кўнглини олиш ўрнига унга азоб беради: "Хотинининг шанғиллаши лўққиллаётган бошига гурзи билан ургандек" тасвир қилади. Аёл фақат эрига эмас, балки келини, ўғлига ҳам захрини сочади. Натихида хонадондан ҳузур-ҳаловат, осийшталик кўтарилади. Бу хонадонда ҳеч кимнинг турғиси келмай қолади. Ҳатто бетоб эр ҳам кўчага отланади, уйдан бошини олиб кетмоқчи, бир пайтлар кўнгли бергани Зуляфияни излаб топмоқчи бўлади... Муаллиф ҳикояда эркекнинг оиласи, фарзандлари олдидидаги масъулияти, жавобгарлиги ўткинчи хис-туйғулардан кучлироқ эканлигига ургу беради.

Адабиётда кўнгли ободлигининг турли қирраларини акс эттирадиган бундай асарларни кўллаб келтириш мумкин. Юқорида биз мулоҳаза юритган асарларнинг ўзи ҳам бундан уни сабр-тоқатли, меҳнатсевар, бошқаларга иззат-ҳурмат руҳида тарбиялайдилар. Қизи оиласидаги жанжаллардан шикоят қилиб келганида ота-онаси ҳар доим панд-насихат қилиб, йўл-йўриқ кўрсатиб қайтариб юбордилар. Натихида Фарангиз алоҳида ховли-жойли бўлади, қайнота-қайнонасининг дуосини олиб, овсинларининг меҳр-муҳаббатини қозонади. Дарҳақиқат, оилада она, аёл ширин муомаласи, хулқи, гап-сўзи билан ибрат кўрсатиши зарур. Болаларининг олдидида эрига гап қайтариб, уни назар-писанд қилмай турса,

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари доктори

Баҳриддин САДРИДДИНОВ

КҮНГИДНИ НАЙ ЭТСАНГ...

ГУРУР

Биз ким эдик, ким бўдик —
Чаман бўдик, гул бўдик.
Ватан — гуллаган дарахт,
Шоҳида булбул бўдик!

Биз ким эдик, ким бўдик —
Шу юртда гулдек ундик.
Ватанким гулзор бўди,
Биз райҳон, суибул бўдик!

Гоҳ уммон, гоҳ чўл бўдик,
Миллат учун дил бўдик.
Ватанни тумор этган —
Севган қиз, ўғил бўдик.

Гоҳ интиқ фасл бўдик,
Сабр деган йўл бўдик.
Ватан — катта қарвондир,
Удуғ, равон йўл бўдик.

Айт, ким эдик, ким бўдик —
Ҳам ўнгу ҳам сўл бўдик.
Ватан дея тоза дил,
Пок ният кўнгли бўдик.

Биз ким эдик, ким бўдик,
Шу юртда гулдек ундик.
Ватанким гулзор бўди,
Биз райҳон, суибул бўдик!

ЎЗБЕКНИНГ ПОЛВОНЛАРИ

Таратар юртининг доғини,
Аллари, султонлари.
Ўпар юртининг байроғин
Ўзбекининг полвонлари.

Кураги ерга тегмас,
Шерорак, тисла йўлбарс,
Юрт шавқидан кўнгли маст,
Ўзбекининг полвонлари.



Номдор ботир, баҳодир,
Соврини юрт оридир,
Элнинг қорига қодир,
Ўзбекининг полвонлари.

Ашоминдан келбати,
Рустамхондан сумбати,
Бир миллатнинг нияти,
Ўзбекининг полвонлари.

Эл ошди сафарингиз,
Хуш бўлсин хабарингиз.
Баҳриддин бир жарчингиз
Ўзбекининг полвонлари!

ОШИҚЛИК

Мен шундай бир дарда йўлиқдим,
Бир дарди, зор эмас давога.
Овундим. Юпадим. Тўлиқдим,
Училишим келди ҳавога.

Сўзларга сигмади севинчим,
Кўнглимни сафарга юбордим.
Киприкдек майсадир севинчим,
Мен кўкларни чорлаб кўкардим.

“Ишқ бу” деб қушларим адашар,
Шу ниқдан тирилгай кўнликлар.
Саволдан палахмон ясашар,
Дардимни англари ошиқлар.

Оловдан қонабди лабларим,
Изимдан қизгалдоқ няргай.
Новдлада кўқарар барглари-
Дардларим қор каби эригай.

Кўклар деб рақс этгай руҳим,
Айланаман ўзим навога.
Кувончим, ўтинчи, андуҳим,
Учгим келайтир ҳавога!

Дўстни дўст де, тут зиёда,
Сен дўст десанг, кўнар бўлса.
Хато қилсанг бу дунёдан
Оғриниблар ўтар бўлса.

Дўстни дўст де, кўнгли осмон,
Чин сўз учун бўлса қурбон.
Сен тухматга қолган замон
Тоғдай ўйга чўмар бўлса.

Дўстни дўст де, сени аяб,
Кўзинг тушса — турса яйраб,
Гар сурисанг — қолса суяб,
Сенга асо бўлар бўлса.

Дўстни дўст де, сен изласанг,
Ойна бўлса гар юзлансанг.
Ёзинг ўтиб, гар музласанг
Бир оташга дўнар бўлса!

Ҳар тошга эътиборли турганим яхши,
Тошни бошга қўйиб, кўрганим яхши.
Ҳар тошдан бир ҳикмат топмаса бошинг,
Бу бошни тошларга урганим яхши!

Мен сени шомлару саҳар излайман,
Ёз, куз ўтар, қишдан баҳор излайман.
Излайвериб сени адолир жоним,
Токи жон тандадир, тақрор излайман.

Кўнглини най этсанг, ул нола қилгай,
Кўнжироқ дилингни Қарболо қилгай.
Дилга эга чиққан нафсинг бўлса гар
Ул сени ҳар бало, ҳар бало қилгай!

Озода БЕКМУРОДОВА

НИГОҲИНГ ТУБИДА КУЛАДИ КҮЁШ

Сенсиз ҳам имконлар юлдузлардай шаън,
Сенсиз ҳам кўлини узатар қуёш,
Сенсиз ҳам бағрига чорлайди Ватан,
Сенсиз ҳам кўксимда чўғланар оташ.

Сенсиз ҳам йўлларим ойдин ва шаффоф,
Чароғон бекатлар тутуди гуллар.
Кечалар мен учун ичади гулоб,
Нигорон куттучи мовий манзиллар.

Сенсиз ҳам, сенсиз ҳам барчаси аниқ,
Кўкка поёндоздир отажак тоғлар,
Сенсиз ҳам борлигим кечсиз ва ёниқ,
Юрагида олиб учар доғонлар.

Сенсиз ҳам иложим ойдай кулади,
Камалак ёдуду гўшанга безаб,
Дунёни бешиқдай тебратсам, агар,
Само денгизда парилар сузар.

Сенсиз ҳам иложим чаман ва чаман,
Пешонам кўкида порлайди қуёш,
Тилларимда тақрор дуодай Ватан,
Кўксимда ёнмоқда халоскор оташ.

Тонг атри кўнглингни ювади,
Кенгайиб борасан чексизлик каби.
Умидинг кўнглингни мувофиқ,
Кундузларинг борар узайиб
Яшаш ифорини чиндан тўясан,
Қанотларинг узра қанотинг ўсар!
Ёруғ оламларга парвоз қиласан,
Майда мақсадларинг ҳазондай тўзар
Озодлик шавқини ичганда дилингни!
Баладлаб кетасан йисонлигиндан,
Кезасан самовот йўлақларидан.
Тобора абада сингиб борасан,
Кўнмайсан вужудинг тилақларига.
Озодлик тотига қонганда руҳингни!

Шундайлар яйрайсан, яшнаб борасан,
Қушлар кўнглингда оқар ҳаётинг.
Озодлик, бор кучинг-ла ҳайқирасан;
Озодлик умрининг яшил қаноти!
Озодлик дарёсин кечганда умринг...

Ватан соғинчларда яшайди,
Ҳеч қачон тўймайсан пок дийдорига,
Дилингни туб-тубларинг ўртар бир ҳажр,
Болалигим қолган мовийлик.
Умримга берилган энг буюк ажр —
Оқ ранглардан қамашган осмон.
Кўксига покдомон шомоллар тақиб,
Елиб бораётган сўнгсизлик томон...



Нимадир қолгандай ортига боқиб
Тоабат юракни ўртаган ҳижрон
Борлигини тўла ҳақининг йўлига.
Бир лаҳза орқага қайтариб бўлмас.
Бир марта берилган илоҳий имкон!
Ошпоқ байроқларин қалаб руҳингга,
Шаффоф хаёлларга кўмиб ёлдингни.
Ул шабнам онларнинг тотини туйиб,
Ювасан кўзларинг қарнига чўккан қирларин.

Болалигим — менинг ёруғ Ватаним,
Ҳарир, майин тонглалар шодаси.
Юлдузлар кўз ёшин ичур хаёлим,
Менинг топганим кўнглим яқтоси!

Менинг қимлигимни айтадиган сўз,
Ажрим байроғида порлаган юлдуз,
Ажрим сажарини гулистон этган,
Умидим уфқини ёритувчи юз,
Ўғлим, сенга лойиқ бўлишим керак.

Нигоҳинг тубида кулади қуёш,
Изларинг сиринда гунҷалайди тош,
Тоғлар ўзи келар осмонни билан,
Мен ўлиб тирилдим кўксимда оташ,
Ўғлим, сенга лойиқ бўлишим керак.

Сен ўнта боламсан, кўксимда чироқ,
Шу оташ сеҳрида кўқаргин, ўсгин,
Кўзимнинг гавҳари йўлигда тупроқ,
Шу азиз тупроқни кўзингга босгин.
Ўғлим, сенга лойиқ бўлишим керак.

Дуоларим сенга нарвон бўлгуси,
Гурбат водийсига қарвон бўлгуси,
Рухим арша қадар юксалди, сездим,
Ҳақнинг ўзи сенга сарбон бўлгуси,
Ўғлим, сенга лойиқ бўлишим керак.

Чол тушимга кирди. Елкасига хуржун
илган ўша чол. Сира тушимга кирмасди,
товба. Кўнглим гашланди, безовта бўлиб
уйғондим.

Нонушта пайти кичик қизим тунов кун
берган ваъданим ёдимга солди:
— Дадажон, бугун шанба-я? Ишга бормай-
сиз, тўғрим... Эсингиздами?
— Эсимда. Янгиликларни эшитиб қолди.
— Чимёнга борамизми?
— Йўқ. Чимёнданам чиройли, ажойиб жой
бор. Ўша ёққа борамиз.

Машина чаканлиги. Хотиним ва икки
қизимни олиб йўлга тушдим.
— Довонга ҳайда, Азамат, — дедим
ҳайдовчимга.

Катта қизим чапак чалиб юборди:
— Яшасин, дадажоним! Бувимникига
борарканмиз.

— Довон этагидан қайтамиз.
Кизларим бир-бирига ажабсиниб қараш-
ди. Хотиним анграйди:

— Довон этагида нима қиламиз?
Уринли, айнаи дамба беавадид саволдан
энсам қотди, аммо сездирмадим.

— Бормасак бўлмайди.
Болаларим нафасини ичга ютишди.

Тоғнинг қоқ белида тасмадай тортилган
йўлдан чўққига кўниб турган қуёшга қараб
ўрмалаймиз. Пастда, тоғ ён бағрида барқ
урган сариқ, кўк, оч-пушти, хуллас, турли-ту-
ман гуллар, лолакизгалдоқлар устини қопла-
ган булутларнинг ҳарир либосини хали тонг
шамоли сидириб олиб ташламаган. Манза-
рани кўриниб-ей. Ҳиссиётнинг тилига сўз ма-
лол келади. Ҳиссиётнинг тили — завқ! Мўъжи-
зани агар фақат Яратганга нисбат бериб
айтсак, худойининг мўъжизаси-шу!

Орқа ўриндиққа ўгирилиб қарадим. Аҳли
оилам чехрасига ҳам қуёшнинг табассуми
инган.

Машина нишаблиқдан эниб, йўлнинг шун-
доқ ўнг томониди ялангликда тўхтади.
Ичимда оғрик турди, юрагим увушгандай
бўлди. Вужудим титраб, гандиркилаган қўйи
яланглик четиға қарадим.

— Етиб келдик, тушамиз.
Тоғ биқинидаги ялангликда тизза бўйи
қулф урган ўт-ўланлар ўткир, димоқни ёрар
даражада бўй таратади. Яланглик гирдида,
жар ёқасида новдалари фалакка қўл ташлаб
бир туп тол ўсапта. Унинг орқа томонида
ҳилпирабган яшил байроқлардай тизилган
тол кўчатлари бир қақирим масофада саф
тортишган.

Тол тағига келдим. Тиззалаб ўтирдим. Бўз
боланинг белида келадиган тол танасини
сийпаладим. Борлигини титроқ чулғади.
Аммо кўп ўтмай ўзимни энгил хис этдим,
ичимдаги бор гард-ғубор тарқаб кетгандек,
кўнглим таскин топа бошлади. Рухим баҳор
ҳавосидай энгил тортиди. Машина ёнида чех-
расида ҳайрату ҳасрат аломати зоҳир хоти-
нини билан хижолатли алпозда қўлида тўша-
ма тутган Азамат келишга ботинолмай тик
қотган. Кизлар қий-чув қилиб, чопқиллаб
гул-чечак теришмоқда.

Хали новдалари яшилликка бурканиб
улгурмаган тол тағига тўшақ тўшадди.
— Дадаси, нега бу ерга келдик?
— Сайру саёҳат бу, сайру саёҳат! Атрофга
қара, қандай чиройли, тоғ хавоси, гулу ча-
манзор. Сурагга тушинглар. Болалар билан
мазза қилиб айланинглар. Бироздан сўнг
қайтамиз.

— Фалати қилиқларингиз бор-а? — хоти-
ним Азаматнинг олдига ўнғайсиз аҳволда

қолганини яширмади. Азамат нигоҳи билан
ер чизди, ўлмаининг кунидан илжайган-
дек бўлди, лекин унинг кўнглидан ўтганини
ҳам сезиб турибман...

— Азамат, мана энди, манави толдан кет-
мондаста учун билақдай-билақдай қилиб
иккита новдасини кесиб ол.

Азамат бир қалқиб тушди:
— Йўқ-ей, қўйинг-е, қерақмас. Топмади.
Хотин яна бир бор галати қараш қилди-
да, кизларим томон юрди.

— Айтганимни қил. Юкхонага арра ҳам
солганман. Бор, опке!
Кападай бўлиб буй чўзган сершоҳ, сер-
новда тол тағига узала тушдим. Ниначақан
оч-яшил нишурдилар бўртиб чиққан эгик
хивчинлар шабадада солланиб роз айтаёт-
ганга ўхшайди. Мен толнинг қўшигини
тинглайман, тол мени соғинганини, мени
кутганини хис қиламан.

...Бундан анча йиллар олдин... Тахрири-
ятга бош раҳбар бўлиб тайинланганман.
Ўзимча кўп ишлар, кўп янгиликлар қилдим,
ўзимни кўрсатгим келади. Мустақил юрти-
миз оёққа туриб энди ўзини ўнглаб олаётган
дамлар. Фидойи замондошлар, меҳнати бе-
миннат камтарин халқимиз ҳаёти ҳақида тур-
кум очерклар ёзиш-
ни ният қилдим.

Ана шундай мудда-
ога эш сафарлар-
нинг бири водийга
бўлди.

Бугунгидай эрта
тонгдан йўлга туш-
дим. Довон йўли ҳозиргидай обод эмасди.
“Йўл азоби — гўр азоби” дегани шу. Довон-
нинг бандан нуқтасидан пастлаётган мана шу
ялангликнинг қоқ ўртақсига эшакка ортилган
хуржунни туширолмади куйманланаётган чол-
га кўзим тушди: чол, ҳарчанд уринмасин, икки
қўзи алламбалого лиқ тўла хуржунни туши-
ролмади овора эди.

— Машинани тўхтат! Орқага ол, —
дедим ҳайдовчимга.
Уловдан тушдик. Азамат ортимдан
эрғашди.

— Ассалому алайкум, ота! Ҳорманг, ёрда-
лашиб юборайликми?
Тангу тажанроқ бўп турган чол бош ирга-
ди.

— Болам, куч-қувват келса шундай бўлар-
кан, — деди синиқ жиммайиб.
— Отахон, бу нима?
— Нима бўларди, болам, қаламча, тол
қаламчалари. Жар ёқасига эсмоқчиман.
Атроф тоғу тош. Уй-пуй кўринмайди. Чол
бу ерга қаердан келди, деган ўй ўтди хаё-
лимдан.

— Ота, шу атрофда шайсизми?
— Ҳув анави тоғ ортидан келдим, болам.
Йўл чети қуруқ турмасин, деб манавиларни
қадамоқчиман. Барака топинглар, энди хур-
жунни четга олиб бориб беринглар.

Азамат иккимиз зил-замбил хуржуннинг
икки кўзидан зўрға кўтариб яланглик чети —
жар ёқасига элтидик. Чол эшак жабдуғига
кистрилган билақдай келадиган битта тол
қанда ҳамда белкурани олиб келди. Эни-
чукурлиги икки қарич келадиган чуқурга
қазиб новдани кўмди.

— Ота, шу илдиз олади, тол бўлади, дей-
сизми?
— Олади болам, олади, тол дегани беор-
нарса. У туғул манови қаламчалар ҳам икки-

уч йилда одам бўйи бўлади. Тоғда кишин-
ёзин намгарчилик. Тез иласди.

— Сўраганим айби йўқ, Неча ёшга кир-
дингиз? Фарзандлар, ўғил-қизлар деган-
дай...

— Худого шукр, тўрт кам саксондаман. Уч
ўғил, бир қиз, неварачеваралар ҳам шунга
яраша...

Чол жилмайди. Саволим тағидаги савол-
ни англади чоли тушмагур:
— Ўғилларим сизга нима зарил, деб ури-
шади, уйда тинч ўтирсин дейишади-да, мени
авайлаган бўлишади. Уларга билдирмай кел-
ламан. Ҳув тепаликка бултур ёнғоқ, ўрик, гил-
лос эқдим. Ўтган йили йўл бошига тоғ олма,
тут кўчати эқдим.

— Ота, мен сиз ҳаққингизда
худо хохласа, яхши бир очерк
ёзаман. Сизнинг бу хайрли
ишларингиз биз ёшлар учун
бир умирлик ибрат, — дедим.

Чолнинг чехрасида аллақан-
дай жозоба зоҳир эди, айниқса,
ажинлари ёйилиб жилмайганда,
кишини ўзига ром этиб, қалбда
илиқ бир меҳр товланарди.

— Энди, отахон, худо хохла-
са, бу қаламчалар бир кун ке-
кум очерклар ёзиш-
ни ният қилдим.

Ана шундай мудда-
ога эш сафарлар-
нинг бири водийга
бўлди.

Бугунгидай эрта
тонгдан йўлга туш-
дим. Довон йўли ҳозиргидай обод эмасди.
“Йўл азоби — гўр азоби” дегани шу. Довон-
нинг бандан нуқтасидан пастлаётган мана шу
ялангликнинг қоқ ўртақсига эшакка ортилган
хуржунни туширолмади куйманланаётган чол-
га кўзим тушди: чол, ҳарчанд уринмасин, икки
қўзи алламбалого лиқ тўла хуржунни туши-
ролмади овора эди.

— Машинани тўхтат! Орқага ол, —
дедим ҳайдовчимга.
Уловдан тушдик. Азамат ортимдан
эрғашди.

— Ассалому алайкум, ота! Ҳорманг, ёрда-
лашиб юборайликми?
Тангу тажанроқ бўп турган чол бош ирга-
ди.

— Болам, куч-қувват келса шундай бўлар-
кан, — деди синиқ жиммайиб.
— Отахон, бу нима?
— Нима бўларди, болам, қаламча, тол
қаламчалари. Жар ёқасига эсмоқчиман.
Атроф тоғу тош. Уй-пуй кўринмайди. Чол
бу ерга қаердан келди, деган ўй ўтди хаё-
лимдан.

— Ота, шу атрофда шайсизми?
— Ҳув анави тоғ ортидан келдим, болам.
Йўл чети қуруқ турмасин, деб манавиларни
қадамоқчиман. Барака топинглар, энди хур-
жунни четга олиб бориб беринглар.

Азамат иккимиз зил-замбил хуржуннинг
икки кўзидан зўрға кўтариб яланглик чети —
жар ёқасига элтидик. Чол эшак жабдуғига
кистрилган билақдай келадиган битта тол
қанда ҳамда белкурани олиб келди. Эни-
чукурлиги икки қарич келадиган чуқурга
қазиб новдани кўмди.


— Ота, шу илдиз олади, тол бўлади, дей-
сизми?
— Олади болам, олади, тол дегани беор-
нарса. У туғул манови қаламчалар ҳам икки-

уч йилда одам бўйи бўлади. Тоғда кишин-
ёзин намгарчилик. Тез иласди.

— Сўраганим айби йўқ, Неча ёшга кир-
дингиз? Фарзандлар, ўғил-қизлар деган-
дай...

— Худого шукр, тўрт кам саксондаман. Уч
ўғил, бир қиз, неварачеваралар ҳам шунга
яраша...

Чол жилмайди. Саволим тағидаги савол-
ни англади чоли тушмагур:
— Ўғилларим сизга нима зарил, деб ури-
шади, уйда тинч ўтирсин дейишади-да, мени
авайлаган бўлишади. Уларга билдирмай кел-
ламан. Ҳув тепаликка бултур ёнғоқ, ўрик, гил-
лос эқдим. Ўтган йили йўл бошига тоғ олма,
тут кўчати эқдим.



ОҚИБАТ ДАРАХТИ

Кўчқор НОРҚОБИЛ

либ анча-мунча пул бўладида-а?!
Азаматнинг тос манглайдан ургандай
қилиб айтган гапидан хушим учди. Хангум-
манг бўлдим. Ер ёрилмади эрга кириб кет-
мадим.

— Бунисини билмадим, болам. Бунисини
ўйламадим, — чол яна жилмайди.
Азаматга ўқрайиб қарадим. Чол билан
хайрлашиб, ўзимни машина ўрин-
дигига ташладим: “Эй-ей, фароса-
тингга ўт тушгур... Нодон! Ҳар
қалада ҳар фикр...”

Бир маҳал Азамат келиб машинанинг
юкхонасини очаяпти. Қўлида ҳалғи одам
бўйи келадиган тол новдаси. Жон-поним
чиқиб кетди:

— Ҳай, тентак! Буни нега опкелдинг.
Калланг борми?
Азамат доғдираб қолди:
— Чолдан сўраб олдим. Дачангиздаги
боғбон кетмондаста сўраётгудди.

— Ҳей... Сени... Обор, жойига қилиб қўй!
Ушанда эътиборсизлик қилиб, чолнинг
исмини ҳам, қайси кишлоқдан эканини ҳам
сўрамабман. Чолга ёлғончи бўлганим ҳам,
чол ҳақида очерк туғул тузукроқ мақола, тўрт
қатор хабар ҳам ёзолмаганим чин.

Шунақа гаплар... Бу гапларга ўн йиллар
бўлди. Довондан ўтган-қайтганда баъзида
яланглик четида гурқираб ўсаётган ўша бир
туп сершоҳ тол ва кўкка бўй чўзиб шовул-
лағ шў толлар сафига кўзим тушади. Гоҳи
нималаргадир чалғиб, хаёл билан бепарво
ўтиб кетаман. Тўғриси, кейинги йилларда
ялангликдаги яшил соқчилар ҳам, чол ҳам
хаёлимдан кўтарилиб кетган экан. Аммо ёзи-
мга битилган бир воқеа сабаб бу манзил
мен учун чиндан азиз жойга айланиб қолди.

Шу йил қаҳратон қишда, тушдан сўнг во-
дийга қараб йўлга тушдик. Яқин дўстим тўй
қилаяпти. Бормасликнинг иложи йўқ, Бахтга

қарши қор бўралаб ураяпти,
денг. Изиллаган изғирин.
Йўлнинг тоғ соя солган нишаб
жойлари яхмалак, муз қотган.
Тўйнинг авж пайтида етиб бо-
ришни мўлжалладим. “Нима
бўлса бўлди, бос, етамиз”,
дедим ҳайдовчимга. Довонга
ўрлаётган чоғимизда қор яна
тезлашди. Ойнасупурги
олд ойнага ўрлаётган қорни
тозалаб улгуролмайдим. Маши-
на чироқлари нури бўрон
тўзигитган қор зарраларини
зўрға кесиб ўтади, йўл кўрин-
майди, борлик қор қюни ичра
ғарқ бўлган гўё. Нишаблиқ-
дан шитоб билан тушиб бо-
раямиз. Қор бўрони авҳига
олган олақун-оқтойлоқ ичи-
да туйқус рўпарамизда хира ёғду сочган бир
жуфт чироқ кўринди. Қаршимиздаги қанақа
улов эканини билмадим, четга чиқиб бизга
йўл берай демайди. Унга бориб урилишимиз-
га бир баҳа қолди, ҳайдовчи шарт тормоз бо-
сиб машинани четга бурди. Йўл нишаблик,
бунинг устига тойғинчоқ эмасми, машина тур-
ган жойида ел паррақдай чирпирак бўлиб
айланди, тўхтамайди, жон-поним чиқиб кет-
ди. “Тамом, йўлдан чиқиб жарликка қулаб, йўқ
бўлиб кетамиз”, деган ўй қисқа сонияда хаё-
лимни чақоқдай тилиб ўтди. Қанча пайт чи-
риллаб айланган, билмайман, машина ёни
билан нималаргадир урилиб таққа тўхтади. Ма-
шина ичидан отилиб чиқдим. Азойи-баданам
қалт-қалт титраб, танамда жон қолмади. Қор
кўз очирмай ураяпти. Изғирин. Ҳайдовчи
қўрқувдан қараётган, машина чамбарагига ёпиш-
ган қўйи тош бўлиб қотиб турибди, қилт эт-
майди. Олд эшикни очиб уни тушириб олдим.
Юзига қор ишқаб ўзига келтирдим. Машина
тубсиз жарлик ёқасида ўсган дарахтга ёни
билан тақалиб турар, тубсиз ўпқон зулмати-
дан бизни мана шу дарахт асраб қолганди.
Увиллаган қорқун қўйида қўлчиқроқни ёқиб
атрофга назар ташладим. Қорбўронда
чайқалиб турган қатор толларга кўзим туш-
ди. Сўнг... сўнг

Шу йил март ойида пойтахтимиздаги "City Makon" кинотеатрида режиссёр Баҳодир Ортиқовнинг "Папагандус — афсонавий гиёҳ" деб номланган 3D форматдаги филми намойиши бўлиб ўтди. Бунга қадар биз фақат хоризда ишлаб чиқарилган 3D форматдаги филмларни томоша қиладик. Янги филм ўзбек ижодкорларининг замонавий жаҳон кино технологияларини ўзлаштириш йўлидаги илк қадамларидан бўлгани учун ҳам муҳлислар орасида катта қизиқиш уйғотди.

ЎЗБЕК КИНОСИДА ЯНГИ УСУЛДАГИ ФИЛМ

Фарзандлик бурчи, дўстга садоқат ва ишқ-муҳаббат саргузаштлари ҳақида сўз юритувчи бу филмни дастлабки ўзбек блокбастери деб аташ мумкин. Янги усулдаги филм пойтахтнинг барча кинотеатрларида ўзбек ва рус тилларида намойиш этилди. Роллари Адиз Ражабов, Алишер Абдукаримов, Файбулла Ҳожиёв, Маъруф Отажонов, Норпошона Ҳасанова, Сардоржон Илхомов, Покиза Рашидхўжаева, Абдувоҳид Мирзоидов ва бошқалар ижро этган.

Авалло, картинага тажрибали актёрлар жамоасининг жалб этилиши ижобий натижа берганини таъкидлаш лозим. Зеро, ҳар бир образ маромига етказиб ижро қилинган филмнинг томошавийлигини оширган. Аммо 3D форматдаги филмларни яратиш мураккаб технологик жараён эканини ҳисобга олиш лозим. Ушбу турдаги филмлар муваффақияти, биринчи навбатда замонавий техника имкониятларидан унумли фойдаланиши билан боғлиқ. Хусусан, ўзбек кино ижодкорлари ҳам "Папагандус — афсонавий гиёҳ" филмида илк бор "Dolby Digital 5.1." тизимининг кенг ҳажми овозидан фойдаландилар. Қаҳрамонларнинг овози, актёрлар сўзлашуви худди мусиқий безак сингари жангилди. Шунингдек, махсус эффектлар, техноген ва табиий шовқинлар ҳам "Dolby Digital 5.1." тизимида янгича оҳанг касб этган. Ёш композитор Беҳзод Раҳимжонов картина учун ўн бешта мусиқий асар басталаган бўлиб, айрим сахналар учун дубляж студиясида алоҳида овозлар ёзиб олинган.

Бироқ филм 3D форматда бўлишига қарамай, баъзи сахналарда тасвир сифати 2D форматдагидан фарқланмай қолгани яққол кўзга ташланади. Натижада уч ўлчамли кинога хос бўлган тасвир кенглиги сезиларли даражада камайиб, аксарият сахналар ўз тасвир кучини йўқотган. Филм анимацияси устида Беҳзод Эргашев, графикада эса Алишер

Абдукаримов иш олиб борган. Аммо картина муҳитини яратишда муҳим бўлган графика тўлалигича 3D форматда эмаслиги кишини ажаблантиради. Чунки айнан шу нарса асарнинг бадиийлигига путур етказган. Масалан, ибтидоий давр одамларининг йиртқич ҳайвонлар билан тўқнашуви сахнасида электрон кўринишда яратилган йўлбарс тасвири анча хира бўлиб қолган. Бу ҳол қаҳрамонларнинг йўлбарсдан қочиш сахнасида ҳам яққол кўринади. Шунингдек, қаҳрамонларнинг ўтмишга тушиб, папагандус ўсимлигини қидираётганида каттиқ довул туриши сахнаси сунъий қурилгани пайқаш

Муносабат

муқаррар эди. Афсуски, мазкур филмда ҳам кузатилганидек, ҳозир аксарият ижодкорлар филм муваффақиятининг учдан икки қисми овоз билан боғлиқ эканини унутиб қўймоқдалар.

Режиссурадаги яна бир камчилик — филмнинг ечимини билан боғлиқ, Ушбу гаройиб саргузаштларнинг сабабчиси бўлган Папагандус гули бирорта кадрда кўринмайди. Режиссёр буни "Қадимги одамлар ўсимликларни юлаётган горда қаҳрамонларнинг арвоқлардан қочиш сахнаси мавжуд бўлиб, унда одамлар бир-бирларига бу ўсимликка тегиш ва ейиш мумкин эмаслигини" айтганлари билан изоҳлайди. Унинг фикрича, мазкур ўринда гап Папагандус ҳақида боради. Аммо оддий томошабинга буни қандай тушунириш мумкин?

Албатта, 3D формати ҳали юртимиз кино ижодкорлари учун нотаниш бўлгани боис, ижодий гуруҳ иш жараёнида кўпга қийинчилик ва муаммоларга дуч келгани табиий ҳол. Уйлаймики, вақт ўтиб, бу каби камчиликлар барҳам топади. Муҳими, мазкур филм орқали ўзбек киноси келажиги йўлидаги изланишларга йўл очилди. Келгусида ривожланиш қай йўсида давом этиши тиришқок ва тажрибалардан чўчимайдиган ёшларга боғлиқ. Бу борада "жаҳон" кинематографининг янги йўналишларига асосланган, қолаверса, ўзининг бой аъёнларига таянган ўзбек ижодкорлари истиқбол сари қадам ташлашига ишонамиз.

Элдор Йўлдошев,
Санъат ва маданият институти
катта илмий ходими



Филмдан лавҳа.

қийин эмас. Филм охирида йўлбарс ўтмишдан пойтахтимиздаги рестороноларнинг бирига тушиб қолади. Бу ерда ҳам унинг кўриниши кадрнинг умумий тасвирига мос тушмаган.

Сингари дарахдан кўприк сифатида фойдаланиб, тоғдаги дарадан ўтиш эпизоди эса кўпроқ мулфилм тасвирларини ёдга солади. Худди шу камчиликни қаҳрамонларнинг замондан замонга кўчиш сахналарида ҳам кўриш мумкин. Графикада ёруғлик етишмаслиги туфайли мазкур кадрлар тушунарсиз кўриниш касб этган. Аслида, қаҳрамонларнинг ўтмишга тушиб қолиши ва ортга қайтиши орасида гоёвий

каби камчиликлар барҳам топади. Муҳими, мазкур филм орқали ўзбек киноси келажиги йўлидаги изланишларга йўл очилди. Келгусида ривожланиш қай йўсида давом этиши тиришқок ва тажрибалардан чўчимайдиган ёшларга боғлиқ. Бу борада "жаҳон" кинематографининг янги йўналишларига асосланган, қолаверса, ўзининг бой аъёнларига таянган ўзбек ижодкорлари истиқбол сари қадам ташлашига ишонамиз.

"ЭНГ ГЎЗАЛ КЎШИК — ВАТАН ҲАҚИДАГИ КЎШИҚДИР"

Болалигимдан санъат билан бирга улғайдим. Ота-онам — Санобар Раҳмонова ва Илҳом Жўраев кўшиқлари билан юрагимга санъат меҳри ҳам бўлди. Шу сабаб кўшиқ оламига жуда эрта қадам қўйдим. Илк устозларим ота-онам бўлишди. Ватанга, оилага, яқинларимга меҳр-муҳаббатимни кўшиқ сатрларида ҳам қилиб куйлашни улардан ўргандим. Аста-секин она юртим Андижонда, водийда бўлиб ўтадиган санъат байрамларида, танловларда иштирок эта бошладим. Миллий эстрада йўналишида кўшиқлар куйлаб, оми-кўпми муҳлислар орттирдим. 2011 йили "Нихол" мукофоти учун ўтказилган танловда қатнашиб, Андижон вилояти бўйича учинчи ўринни эгалладим. Бу танлов имкониятларини чамалаб, репертуар тузишга катта ёрдам берди.

Утган йили пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида оиламиз билан "Оила — мустақим кўрғон" номли концерт дастурида қатнашдик. Болалиқдаги орзуим ушалаб, юртимиздаги мухташам санъат саройи сахнасида, ота-онам ёнида туриб кўшиқ куйлашга муяссар бўлдим.

Навқарон авлод сўзи

ят ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ўтказилган якуний босқичда бу кўшигим иккинчи ўринга муносиб топилди. Бу ютуқ зиммамга масъулият юклаши билан бирга, ижодимга қанот бағишлади.

Дунёда кўшиқлар кўп, албатта. Лекин энг гўзал кўшиқ Ватан ҳақидаги кўшиқдир. Давраларда ёши улуг отахон-онахонлар дуога кўл очиб, «Етказганига шукур, кўрсатганига шукур, болаларим!» дея бугунги ёруғ кунлар шуқронасини қилганларида, уларнинг юзидаги ажинлардан йиллар захматини, кўзларидаги қувончдан эса истиқлол берган неъматлар шуқронасини уққандай бўлган. Шунда мен ҳам Ватанимдаги эркин ва фаровон ҳаёт учун, кўнгли тоғлардек юксак инсонлар учун кўшиқ куйлаётганимдан қалбим фахр-ифтихорга тўлади.

«Ёшлик — имкониятлар фасли», дейди донишмандлар. Бу палладаги интилиш ва изланишлар инсоннинг келгусидаги муваффақиятига замин ҳозирлайди. Хар бир санъаткор истеъдодли бўлиш билан бирга, билимли, юксак маънавиятли, дунёқараши кенг ва теран тафаккурга эга бўлиши зарур. Бунинг учун биз ёшлар ўз устимизда мунтазам ишлашимиз, ўқиб-ўрганишимиз керак.

Илҳосбек Жўраев,
хонанда

Муסיқали видеоклип — бу жуда қисқа ҳажмли, яъни давомийлиги ўртача тўрт дақиқалик ўзига хос асар. У томошабинга ҳам видеотасвир, ҳам муסיқа, ҳам кўшиқ матни орқали таъсир ўтказиши мумкин. Шу туфайли муסיқали клип, анимация, ундаги ахборот, инсон онги ва онг остига осонроқ сингади. Хўш, бу қандай ахборот?

Ҳар қандай муסיқали видеоклип кўшиқ матни ва муסיқасига юқлатилган мазмундан ташқари, визуал ахборотга ҳам эга. Бундай ахборот, биринчи навбатда, хонанда ва аудитория ўртасида доимий алоқа ўрнатиш учун хизмат қилиши керак. Аслида, кўшиққа клип ишлашдан асосий мақсад ҳам шу. Телеэкранда клипларнинг мунтазам намойиши этилиши натижасида томошабин онгида хонанда образи муҳрланади. Клипда кўраётганларимиз — хонанданинг кийими, соч турмаги, тақинчоқлари, пардоз-андози, хатти-ҳаракатлари, рақс, декорация бу визуал ахборотдир. Ёшлар кўпгина ўзи ёқтирган хонандага ўшагина келади, баъзи ҳолларда эса унга тақдир ҳам қилади. Аммо телеэкрандаги ўша "юлдуз" аслида бир гуруҳ мутахассислар томонидан яратилувчи сунъий қиёфа, яъни образ эканини улар кўпгина ўйлаб ҳам кўришмайди.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда ўсмир ёшидаги болалар ҳафталига 25 соат вақтини телевизор қаршида ўтказаркан. Шундай экан, қандай кўрсатувлар ёшларни "жоду"лаётганини таҳлил этиш мақсада мувола муҳокамани талаб қилади. «Етақчи» ёшлар маркази томонидан ўтказилган сўровномаларда аниқланишича,

ёшларнинг 25 фоизи замонавий кўшиқларда мазмун йўқлиги билан бораётгани, 20 фоизи миллий муסיқа аъёнлари доктори, профессор Акбар Ҳакимов клипни "оммавий маданият феномени", яъни оммавий маданият таркибиде вужудга келган янги ҳодиса деб атайди. Унинг фикрича, клип маданияти нисбатан янги ҳодиса бўлишига қарамай, Ўзбекистон ёшларининг келажиги таркиби қамраб олган. Уларнинг эстетик тафаккури, маънавияти шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатишда. Шу билан бирга, клип миллий шоу-бизнеснинг муҳим таркибий қисми ҳам ҳисобланади.

Дунёда, шу жумладан, юртимизда ҳам муסיқали телеканалларнинг фаолият кўрсатиши клип маданиятининг ёшлар маданияти таъсир кўрсатишига олиб келди. Чунки телевидение илҳосмандларнинг асосий қисми ёшлардир. Бироқ муסיқали клипларнинг ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланимаган, хиссиётларга ўта берилувчан, тақдир қилишига мойил ўсмир-ёшлар орасида кундан-кунга шухрат топаётгани беҳавотир ҳол эмас.

БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТ ҲУДА КЛИПЛАР БИЗГА НАМАНА ЎРГАТЯПТИ?

Бинобарин, ҳозирги ахборот маконида замонавий клиплар "оммавий маданият феномени"га айланган бир пайтда, телевизор орқали чиро-саноксиз хорижий ёшларнинг 25 фоизи замонавий кўшиқларда мазмун йўқлиги билан бораётгани, 20 фоизи миллий муסיқа аъёнлари доктори, профессор Акбар Ҳакимов клипни "оммавий маданият феномени", яъни оммавий маданият таркибиде вужудга келган янги ҳодиса деб атайди. Унинг фикрича, клип маданияти нисбатан янги ҳодиса бўлишига қарамай, Ўзбекистон ёшларининг келажиги таркиби қамраб олган. Уларнинг эстетик тафаккури, маънавияти шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатишда. Шу билан бирга, клип миллий шоу-бизнеснинг муҳим таркибий қисми ҳам ҳисобланади.

Дунёда, шу жумладан, юртимизда ҳам муסיқали телеканалларнинг фаолият кўрсатиши клип маданиятининг ёшлар маданияти таъсир кўрсатишига олиб келди. Чунки телевидение илҳосмандларнинг асосий қисми ёшлардир. Бироқ муסיқали клипларнинг ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланимаган, хиссиётларга ўта берилувчан, тақдир қилишига мойил ўсмир-ёшлар орасида кундан-кунга шухрат топаётгани беҳавотир ҳол эмас.

Утган йили эстрада хонандаси Иззатилла Ибрагимовнинг "Бир жуфт юрак" номли кўшиғига ишланган муסיқали клип эфирга чиққан эди. Мазкур клип барча муסיқали ҳамда нодавлат телеканалларда тақрор ва тақрор наомийш этилгани боис томошабинлар орасида тезда танилди. Кўшиқ барчамиз учун яқин ва қадри мавзу — икки ёшнинг "бахт уйи", яъни оила кўрғонининг барпо этилишига бағишланган. Клипда бу жараён ёшларни расмий никоҳдан ўтказиши маросими сифатида тасвирланади. Тан

Мулоҳаза

олиш керак, клип режиссураси юқори даражада. Бироқ унда кўрсатилган никоҳ маросими кўпроқ Голливуд кинолари эслатади. Ўзбекистондан, миллий қадриятларимиздан асар ҳам йўқ. Келин-куёв йўлланган икки чеккасида саф тортиб уларни қарши олаётган меҳмонлар

тошиб ётибди-ку. Утган йили эстрада хонандаси Иззатилла Ибрагимовнинг "Бир жуфт юрак" номли кўшиғига ишланган муסיқали клип эфирга чиққан эди. Мазкур клип барча муסיқали ҳамда нодавлат телеканалларда тақрор ва тақрор наомийш этилгани боис томошабинлар орасида тезда танилди. Кўшиқ барчамиз учун яқин ва қадри мавзу — икки ёшнинг "бахт уйи", яъни оила кўрғонининг барпо этилишига бағишланган. Клипда бу жараён ёшларни расмий никоҳдан ўтказиши маросими сифатида тасвирланади. Тан

олиш керак, клип режиссураси юқори даражада. Бироқ унда кўрсатилган никоҳ маросими кўпроқ Голливуд кинолари эслатади. Ўзбекистондан, миллий қадриятларимиздан асар ҳам йўқ. Келин-куёв йўлланган икки чеккасида саф тортиб уларни қарши олаётган меҳмонлар

орасидан юриб келишади. Бу одат кўпроқ фарбдаги таомилга хос эканини томошабин, албатта, хаёлига ҳам келтирмайди. Ахир, клип чироили ишланган-да. Бир сўз билан айтганда, жуда томошабоп. Унда қайси миллат видеомаҳсулотларининг наомийш этилиши юртимизга "оммавий маданият" унсурлари тўғридан-тўғри "экспорт қилинаётгани"дан даролат беради. Ўзингизга савол бериб кўринг-чи, минг-минглаб ўзбек йигит-қизлари "замонавий" кийиниш, соч турмаклаш услублари маъно-маънавис рақсларни қаердан кўриб, ўрганаётган экан? Ахир, биз дилома танқид қиладиган, миллатга мансуб хонанданинг кўшиғига суратга олинишидан қатъи назар, халқаро телеканаллар томонидан дунёнинг етти қитъасида миллионлаб томошабинлар, турфа миллат вакиллари эътиборига ҳавола этилмоқда.

Муסיқали клип оммавий маданиятга дахлдор ҳодиса экани мутахассислар томонидан эътироф этилган. Хусусан, санъатшунослик фанлари

МУСИҚИЙ АНЪАНАЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бугун Шарқ ва Фарб маданиятлари шиддатли равишда бир-бирдан таъсирланиб, ўзаро бойиб бораётган бир даврда яшамоқдамиз. Глобаллашув деб номланувчи жараён ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари билан характерлидир. Чунки турли маданиятлар ўзаро бойиб бориши баробарида, бир-бирига ҳаддан ташқари яқинлашиб кетиши оқибатида, умумий андозага тушиб қолиши ва ўзига хослигини йўқотиши ҳавфи ҳам бор. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Шарқ халқларининг кўп асрлик муסיқа аъёнларини сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш ва ривожлантириш устувор масалалардан бирига айлиниши табиийдир. Бу эса замонавий санъатшунослик фани томонидан алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масала. Шу боис анжуман ташилотчилари томонидан маданиятнинг глобаллашуви шароитида муסיқий аъёнларни сақлаш ва ривожлантириш масаласини алоҳида кўриб чиқиш режалаштирилган.

Бугунга келиб Европа услубидаги кўповозли муסיқа ва композиторлик ижодиёти деярли барча Шарқ халқлари муסיқа маданиятининг ажралмас қисмига айлиниб улгурди. Яъни, барча Шарқ халқлари маданиятида икки хил муסי-

қий тизим мавжуд. Бунда Шарқ муסיқа аъёнларининг замонавий композиторлик ижодиётига кўрсатаётган таъсири алоҳида ўрганиш ло-

эртага қандай қиёфа касб этади? Ҳади бу борада ечимини кутаётган долзарб масалалар талайгина. "Анъанавий муסיқа ва оммавий маданият"нинг

"Шарқ тароналари" — 2009 йил



зим. Баъзи замонавий олимлар Европа ва Шарқ муסיқа аъёнларининг бирлашишида (синтезида) жаҳон муסיқа маданиятининг истиқболли тараққиёт йўлини кўрмоқда. Анжуман иштирокчилари ушбу мураккаб масалада ўз сўзларини айтишлари лозим бўлади.

XX аср маҳсули бўлмиш оммавий маданиятнинг ҳозирги кундаги ривож, унинг башарият ҳаётидаги мавқеи тобора кучайиб бориши пировардида қандай натижаларга олиб келиши мумкин? Оммавий маданиятга таъсирчан, эстрада муסיқасининг бугунги кунда тутган ўрни қандай,

ўзаро таъсирланиши каби аниқ мақсадга йўналтирилган масалалар ҳам анжуман дастуридан кенг ўрин олгани шу билан изоҳланади.

Умид қиламизки, навбатдаги анжуманда эришилган илмий хулосалар эса Шарқ халқлари кўп асрлик муסיқий аъёнларини ўрганишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишда, уни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш йўллари топишда, албатта, қўл келади.

Ҳолмирза ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси

Тўғри, ўзбек ёшлари замонавий ўзбек муסיқасини яхши кўришади. Буни "Замонавий клипларга ёшларнинг муносабати" мавзуида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Умуман олганда, бугунги ёшлар сифатли клипнинг сифатсизидан ажратоладилар, деб бемалол айтишимиз мумкин.

— Ёшларнинг клипларга қизиқишини муסיқага бўлган қизиқиш келтириб чиқаради, — дейди психолог Луқмон Қозоқов. — Муסיқий дид эса инсонда йиллар ўтган сари ўзгариб бораверади. Ёшингиз ўтган сари сизга мумтоз муסיқа, фольклор куй-кўшиқлари кўпроқ ёқа бошлайди. Ўсмир-ёшларнинг асосан поп, рок, жўшун эстрада муסיқасини эшитиши шу ёшда уларнинг организмда кечадиган табиий биологик жараёнлар билан боғлиқ. Эътибор берсангиз, ўсмирлар қизиққан, қизиққан, баъзан ҳатто, тажовузкор бўлишади. Бола ўзидаги ана шу ички қувватни чиқариб юбориши керак. Шу боис у шовқин-суронли, инсонни жумбушга келтирувчи муסיқани танлайди.

Глобаллашув, маданиятлар тўқнашуви шароитида яшаётган инсон учун телевизорни ёқиб, мана бу клип миллийлигимизга мос, шуни кўраман, мана буниси эса, шарм-хаёдан мосуво, тарбиямни бузади, шу туфайли уни кўрмай қўялганим маъқул, деб уларнинг сарганини сарракка, пучағини пучакка ажратиб жуда қийин. Ахир, телеэкран биздан қайси медиумахсулотни истеъмол қиласан, деб сўраб ўтирмайди, дидимизга мос келадими-йўқми, тайёрини тақдим этаверади — орасидан танлаш имконияти ҳам йўқ. Ақлини таниган, муайян маънавий иммунитетга эга катталарнинг онгини-ку беҳаё клиплар билан захарлаш қийиндир. Аммо болалар, ўсмирларнинг-чи? Айниқса, телевизор қаршида соатлаб ўтирган бола телемания касаллиги туғул, ахлоқсизлик ва маънавиятсизлик дардида мубтало бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Фақат бой берилган вақтни орта қайтариб бўлмаганидек, тарбия учун бой берилган имкониятни ҳам қайтариб бўлмайди.

Наргиза УМАРОВА

Эртактлар — яхшиликка етаклар, деган гап замирида оламча маъно мужассам. Этан, эртактлар донишмандларнинг келажак авлодларга қолдирган бебаҳо сабоғидир. Эртакт эшитиб, ўқиб биз улғаймиш, улар орқали адабиётнинг гўзал ва сирли оламига сайр қиламиш. Инсоннинг шахс сифатида ўзини англашида, камолотга эришувида эртактнинг ахамияти беҳисс.

Биргина "Зумрад ва Киммат" эртактни эсла- сак, бу жажжи асар бола- ларга эзгуликдан катта сабоқ беради. Шу маъно- да, бугун эртакт ёзаётган ижодкорлар нафақат ада- биёт, балки таълим-тар- бия ривожига ҳам барака- ли ҳисса қўшиб келаётир- лар. Изланувчан адиба Хидоят Олимованинг эр- тактларини мутолаа қилган кичкинтойлар ўзларини

аравадан тушиб қолиб, чолнинг қопини орқалаб уйигача элтиб беради. Қария: "Би- ринг минг бўлсин, ум- рингдан бара- ка топ, бо- лам", деб уни дуо қилиб, бир дона қип-қизил нақш олмани қўлига тутқазади. Али чиройидан кўз қама- шадиган олмани томоша қилиб кетаётса, олдидан бир кампир чиқиб қолади ва унинг қўлидаги олмани ҳомиладор келинига сўрайди. Али "олмайман" дейишига қарамай кам- пир олма эвазига қўймай унинг қўлига қизил товуқ- ни тутқазади. Қизил товуқ- ни кучоқлаб кетаётганида орқасидан бир аёл югуриб келиб: "Шу қизил товуқ- ни қидириб юрган эдим. Табиб дардинга қизил товуқнинг шўрваси даво деган", деб товуқ ўрнига Алига қўзичоқ беради. Али қўзичоқни етаклаб йўлида давом этади. Кўп ўтмай, кимдир уни орқасидан қақиради. Қараса, бир киши қўзичоқни сўраб, ўрнига бузоғимни ола қол, дейди...

Хуллас, Али унинг такли- фига ҳам рози бўлади. Бирок кейин "Бузоқни уйга олиб борсам, онам қилган ишимдан хафа бўлади", деб ўйлай-ўйлай мол бозо- рига боради. Бозорда кўзи сотиб ўтирган бир одамга бузоғини беради ва ундан олган қўзичоқни товуққа, товуғини олмага алмаштиради. Унинг бун- дай сахийлиги ва марҳама-

ти учун роса дуо қилиша- ди. Алига олма берган аёл шундай дейди:

ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАБ...

— Мен қидириб юрган йигит сен экансан. Сен хоҳ- лаган қизил олма менда бор. Аммо уни йўлда еб қўймай, уйингга олиб бо- риб онанга берасан", деб тайинлайди ва Алининг қўлига қип-қизил нақш олмани тутқазади.

Бу олма эрталаб қария совға қилган олмага икки томчи сувдек ўшаркан. Эр- талабки воқеалар яна так- рорланишидан чўчиб Али

Онаси Али берган қизил олмани ювиб дастурхонга қўймоқчи бўлганида, олма унинг қўлидан тушиб, бир юмалаб сохибжамол қизга айланб қолади. Кампир шу ёшга кириб бунақа мўъжизага дуч келмаган эди, шу боис ўзидан кетиб қолади. Қиз кампирнинг юзига сув сепиб хушига келтиради. Момодан узр сўраб, бу мўъжизанинг сирини айтади.

Хуллас, Али билан ўша сохибжамол қизнинг тўйлари бўлиб, улар мурод-мақсадига етади. Тўпландан ўрин олган "Урчуқлари", "Бўғирсоқ", "Чумоли билан ниначи", "Малика ва тўтиқуш", "Омадини излаган йигит", "Уддабурон улоқчалар" каби қизиқарли, сермаз- мун эртактларнинг тили равон. Эртакт қаҳрамонла- рининг бола- лар тилида гапириши ўқу- чини беҳтиёр ўзига жалб этади. Уларни ўқиган бола- кайларнинг ҳаётга қизиқиши ортади, маъна- вий олами бойийди.

Х.Олимованинг эртакта- ридаги бошланмалар ҳам, шубҳасиз, китобхон эъти- борини тортади: "Балки бўлган, балки бўлмаган. Бўлса бўлган, изи қолма- ган. Изин излаб ҳеч ким топмаган. Эшитган-у аммо



кўрмаган. Ровийларнинг ривояти бу, чол-у кампир ҳикояти бу. Билганимча айтаман Сизга. Шундай экан бу қадим қисса". Эртактнинг бундай бошла- ниши ёш китобхон учун янгилик. Айнан шу янгилик уни эртакка боғлайди. Эртактларга ёш рассом Зарнигор Шомахмудова маҳорат билан суратлар ишлаган.

Тўлқин ЭШБЕК, филология фанлари номзоди, доцент

Узим ўқийман

ақли тўлишгандек ҳис этишса, ёши улугроқ китобхонлар руҳан ёшлик боғларида сайр қилгандек бўлишади.

Газета-журналларда бо- силган эртактлари билан ўқувчилар эътиборини қозонган адабининг 2012 йили "Шарқ" нашриёт-мат- баа акциядорлик компания- си бош таҳририяти томо- нидан чоп этилган "Қизил олма" эртактлар тўплами унинг қалами сайқал топа- ётганини намён этган, десак муболага бўлмайди. Айтайлик, "Қизил олма" эртагида олижаноб йигит Али билан ишбўқмас, дан- гаса Валининг бошидан кеңирганлари қизиқарли хикоя қилинади. Бир кун улар аравада дала йўлида кетаётиб, қоп орқалаган қарияни учратиб қолиша- ди. Али чолни аравада эл- тиб қўйишни таклиф эта- ди. Вали вақтимизни кет- казмай тезроқ уйга бориб дам олайлик, деб инжиқ- лик қилади. Али барибир



Маъна қилиб рақсага тушдик...

Сорпағинг — бойлағинг...

РЕЗАВОР МЕВАЛАР ХОСИЯТИ

Хозир олча, қорағат, хўжағат (малина), ер тут, чер- ника каби резавор мевалар айни пилган палла. Бу каби резавор мевалар табиат яратган энг фойдали неъматдир. Уларда турли биологик фаол моддалар кўп ва тигиз. Фойдасиз моддалар эса, даярли йўқ ҳисоби. Шунинг учун бу турдаги мевалар Фарбда "су- перфуд", яъни идеал неъмат сифатида қадрланади. Олимлар бундай меваларни тиббий дори-дармон- ларга тенг қўйишади. Чунки улар холестеринни ка- майтиради, қон томирларни атеросклероздан ҳимо- ялайди, қанд хасталигида шифо беради, саратон ривож олишига тўсқинлик қилади, айрим турдаги ўсма ҳужайраларига қирон келтиради. Хуллас, реза- вор меваларнинг афзалликлари илмий тадқиқотлар- да тасдиғини топган.

Аслида, ҳар қандай резавор мева фойдали. Бирок айримлари жуда фойдали. Масалан, бу жиҳатдан қора қорағат қизил ва оқ қорағатдан устун туради. Қизил хўжағат оқ рангисидан, кўкимтир олхўри ва қора рангли гилос сариқ рангисидан кўра фойдали мод- даларга бойроқ. Мевалардаги нордон ва тахир таом- ҳам уларнинг фойдали эканидан далолатдир. Шунинг учун оддий олча ҳаммавақт йирик ва ширин гилос- дан кўра фойдали. Айни чоғда гилоснинг ўзида ҳам фойдали моддалар беҳисоб.

Хозир мавсумий тармевалар кўплиги учун улар кун- лик таомлар рўйхатидан жой олиши керак. Камиди кунига бир ховуч турли резавор мевалар истеъмол қилиш керак. Уларнинг тури қанча кўп бўлса, шунча яхши. Мавсум ўтгандан сўнг ҳам резаворларни унутиб юборманг. Ҳарорат остида ишлов берилмаган, муз- латилган ва қуритилган тармевалар ҳам фойдали.

— Одамлар, мева ва резаворларни кўпинча таом- дан сўнг истеъмол қилишга одатланишган, — дейди эндохринолог шифокор М. Богомолов. — Бу нотўғри. Уларни салатлар каби овқатланишдан аввал истеъ- мол қилиш организм учун фойдали. Енгил тамадди учун сузма-творог ёки қатиқ маҳсулотлари билан қўшиб ейиш янада фойдали. Негаки, биринчидан, резавор мевалар пектин моддасига бой. Агар таом- дан аввал истеъмол қилинса, у холестерин, ёғлар ва айрим зарарли моддаларнинг организмга таом билан бирга сингишига тўсқинлик қилади. Иккинчидан, кўпгина резавор мевалар таркибида қанд ва углевод- лар организмга сингишини меъёрга солувчи модда- лар мавжуд. Агар улар таомдан сўнг истеъмол қилин- са, холестерин ва углеводларнинг қонга сўрилишини тўхташига улгурмайди.

Резавор меваларни тушлик пайти биринчи таом сифатида истеъмол қилишга ҳикмат кўп. Чриантели деб аталадиган грузинча шўрва бунга мисолдир. Унга асосан олча, баъзан ткемали, маймунжон ёки бошқа тармевалар, булардан ташқари, бош пиёз, бодринг, қўкатлар ва саримсоқ пиёз ҳам солинади.

Яп-янги тармевалардан компот-шарбат тайёрлаб истеъмол қилишни ҳам унутманг. Фақат уни тўғри тайёрлашга эътибор беринг. Бунинг учун резавор тармеваларни қайнатиш шарт эмас. Яхшиси, термосга солиб мевалардан солиб, устидан қайноқ сув қўйиб оқшомдан эрталабгача сақланг. Одатдаги мавсумий тармеваларга наъматак ва дўлана, шакар ўрнига эса стивия ўсимлиги япроқлари ёки унинг толқонини солган маъкул. Стивия гиёҳи ҳам ширин, ҳам енгил ҳазм бўладиган углеводларга эга эмас.



Ҳатто қанд касалига учраганлар ҳам резавор ме- валардан бош тортмаслиги керак. Уларнинг тарки- биди қанд моддаси бўлса-да, айнан шу хасталик муолажаси учун наф келтирадиган фойдали модда- лар анчагина. Кўплаб резавор мевалар таркибида калий ва магнийнинг зарур миқдорда мавжудлиги организмда инсулин ишлаб чиқишига замин яра- тади. Хўжағат (малина) таркибида салицил кислота- сининг кўплиги мазкур гормоннинг фаоллигини оши- ради. Ертут, маймунжон, қулупнай таркибидаги ай- рим моддалар қанд хасталигини даволашда фаол қўлланадиган бигуанид дорилари каби таъсирга эга.

Айни чоғда, бог ва ўрмонларда ўсадиган тармева- ларнинг кўм-кўк барглари чойга қўшиб дамлашни ҳам унутманг. Улар ҳам ноёб шифобахш хусусиятга эга. Тармеваларни киргичдан ўтказиб, чойга солса бўлади. Агар чой ширинроқ бўлсин десангиз, шакар эмас, мевага тенг миқдорда асал қўшган маъкул. Бу аралашма иссиқ ёки қайнатиб совутилган сувга қўшилса, янада хуштам инчмлик ҳосил бўлади. Муз- латиш учун эса, меваларни яхшилаб ювиб, сувини селгитиб олиб, сўнгра пластик идиш ёки бошқа идиш- ларга солиб совуқхона музхонасида сақлаш керак. Музхонадан олингандан сўнг қайта музлатманг. Резавор меваларни 60 даражали ҳарорат остида мах- сус қуриткичларда қуритиб олса бўлади. Уларни патнисга ёйиб иссиқ плита ёнида қуритиш ҳам мумкин. Сўнгра меваларни қавага майдалагичдан ўтказиб, эрталаб ва кечқурун бир чой қошиқдан истеъмол қилиб турилса, организм дармондориларга эҳтиёж сезмайди.

Интернет хабарларидан.

"САКИНА"

Атоқли шоир Рауф Парфининг, ўзи томонидан тузилган, "Сакина" ("Му- ҳаррир" нашриёти, 2013) номли сайланмасига турли йил- ларда нашр этилган "Кар- вон йўли", "Акс садо", "Тас- вир", "Хотирот", "Кўзлар", "Қайтиш", "Сабр дарахти" китобларидан ва бошқа чоп қилинмаган тўпламлари кўлэмаларидан олинган шеърлар киритилган. Шо- ирнинг дастлабки ижодий изланишлари ҳақида муай- ян тасаввур бериш мақса- дида "Тонг лирикаси" ("Мақтаб дафтари"дан) туркуми ҳам ушбу китобда босилган. "Сайланма" ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шеърят кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Китоб аввалидаги "Энг гўзал сир" (Шеърят ва шахсият) номли ада- бий-танқидий очеркида филология фанлари доктори, профес- сор Нўмон Раҳимжонов Рауф Парфи хаёти ва фао- лияти ҳақида батафсил маълумот беради, ҳассос шоир поэзиясининг XX аср ўзбек шеърятдаги ўрни, поэтик маданиятимиз та- раққиётига қўшган ҳиссаси, бадий тафаккурни янги- лаш ва бойитишдаги хиз- матлари таъкидланади. Рауф Парфи эстетикаси- да санъатнинг, сўзинг маърифий- тарбиявий роли, ахамияти ҳақида фикр юритаркан, Н.Раҳимжонов шун- дай ёзади: "Шоирнинг ишонч-эъти- қодига кўра, эзгу сўз одамлар онги-



Рауф Парфи

га нур-ёруғлик олиб киради, кўнги- лардан ёвузликни, жоҳилликни, ёмонликни қувиб чиқаради, тозарти- ради... Кўнгилларида олижаноблик, эзгулик гулзорларини кўкартиради. Саховат ва меҳр-шафқат боғларини барпо қилади".

"Сайланма" якунида берилган изоҳларда Рауф Парфининг бос- мадан чиққан барча шеърӣ тўплам- лари, уларга жамланган шеърлар рўйхати берилган, айрим шеърлари- нинг ёзилиш тарихи, улардаги ўзгар- ган, тахир қилинган, тушириб қолди- рилган ибора ва мисралар — барча- си шарҳланган.

"Сайланма" китобидан жой олган асарлар тўпловчиси, нашрга тайёр- ловчиси, сўз боши ва изоҳлар муал- лифи Н. Раҳимжонов. Масъул муҳар- рир У. Ҳамдам.

Дониш ҳанроқ

"Фирдавсий ва ўзбек адабиёти"

Улуғ шоир Фирдавсий даҳоси, унинг "Шохнома" асари ва бу асар қаҳрамонлари Рустаму Сиёвушлар ўзбек китобхонлари қалбидан ҳам маънавий тимсоллар сифати- да чуқур жой олган. Улар эзгулик ва яхшилик тантанаси йўлидаги курашлар- да доимо ёдга олинади.

Атоқли адабиётшунос олим Ҳамиджон Хомидийнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилган "Фирдавсий ва ўзбек адабиёти" номли китоби айни шу мавзудаги мақолалар, тадқиқотлар, мушоҳада ва му- лоҳазалардан таркиб топган. Тадқиқотларда муаллиф "Шохнома"га доир турли масалаларни таҳлил этиш жараёнида Фирдавсий голяри, асар ёзилган давр тарихий ва ижтимоий шарт-шароитлари ҳақида сўз юритади. Шунингдек, "Шохнома" мисолида мумтоз ўзбек ва форс-тожик адабиётларининг муштарак жиҳатла- рини қиёсий-типологик таҳлил қилади.

Х.Хомидий "Шохнома"нинг жаҳон адабиёти- да тутган ўрнини таъкидларкан, уни асотирлар ва афсоналар билан қиёслаб, бу асардан таъсирланган, илҳомланган ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти намояндалари асарлари, "Шохнома"нинг Хомуший, Шох Ҳижрон ва Нурмуҳаммад Бухорий томонидан амалга оширилган назм ва насрдаги таржималари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади.

Нашр масъул муҳаррири Ж.Холмўминов. Муҳаррир Ш.Қурбон.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси **Фозил Зоҳид**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факултети жамоаси матншунослик, миллий уйғонш ва хозирги ўзбек адабиёти кафедраси мудири Рашид Зоҳидовга отаси **Фозил Зоҳид**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихсоз этади.

ДИҚҚАТ, ФЕСТИВАЛ!

"ЎЗБЕКНАВО" ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ "TERRA GROUP" КОМПАНИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА 17 ЁШДАН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ПРОФЕССИОНАЛ ВА ҲАВАСКОР САНЪАТКОРЛАР ОРАСИДА АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН

"МАРДИ МАЙДОН"

жонли ижродаги қўшиқлар фестивалига 2013 йил мавсуми учун ариза олишни давом эттирмақда.

Фестивал йўналишлари:
— эстрада;
— анъанавий ижрочилик;
— академик вокал.
Фестивалнинг асосий шарт:
Қўшиқлар жонли ижрода айталиди.
Фестивалнинг асосий мезони:
Қўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матннинг таъсирчан ва бадий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, саҳна ҳаракати, нуқ маданияти ва ижро услуби.

Фестивал лауреатлари 2013 йил якунида фестивал якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Кўшимча маълумотларни "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг худудий бўлинмаларидан ҳамда www.uzbeknavo.uz интернет сайтдан олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефон: 234-52-90, 235-52-80

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ Вазирлиги, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati
Манзилнинг: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилнинг: uzas@mc.s.uz
Котибият — 233-49-93
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Баш муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ
Ташрифта келган кўлэмалар таҳми этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрирнинг нурани назардан фарқланиши мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Шодмонкул САЛОМОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси.
Босмақона манзили: Ёзув Турор кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.18
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4464 Бухорий Г — 844. Ҳазми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЎЗМА КЎТЛАРИ ЧИҚАДИ
СОТЎНДА НАРХИ ЭРКИК.
ISSN 2181-614X
9772181614000